ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ф. ЗОКИРОВНИ «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ижоди, республикада эстрада санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров «Шуҳрат» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 15 апрель.

ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИ АРАБ ТИЛИДА





Шўролар тузуми даврида мутлақо ёпиқ бўлган Марказий Осиё ҳудудида 90-йиллар давомида рўй берган оламшумул ўзгаришлар араб давлатлари ва халқлари диққатини жалб этаётган муҳим воқеалардан бўлиб қолмоқда. Айниқса араб дунёсининг буюк алломалар ва муҳандислар ватани бўлмиш Ўзбекистондаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнига қизиқиши кучлидир. Хусусан улар Президент И. Каримовнинг мазмунмоҳияти билан мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда миллий қадриятларни эъзозлашга йўналтирилган сиёсатини юксак баҳоламоқдалар. Айниқса, Президентимизнинг Россиядаги айрим кучлар, жумладан, коммунистларнинг собиқ Иттифоқни қайта тиклашга қаратилган хатти-ҳаракатларига билдирган кескин муносабати дунёнинг бошқа мамлакатларидаги каби араб давлатларида ҳам юқори хайрихоҳлик ила кутиб олинмоқда.

Шу йилнинг 8 апрелида Саудия Арабистони Подшоҳлиги пойтахти Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби арабча нашри тақдимномаси ҳам ана шу қизиқиш ва хайрихоҳликнинг амалий самараси бўлди.

Ушбу тақдимнома икки жиҳати билан алоҳида диққатга сазовордир. Маълумки, Ислом Каримовнинг қатор китоблари инглиз, француз, корейс, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиниб мустақил Ўзбекистонни, унинг иқтисодий имкониятларини дунёга танитиш ва чет эл сармояларини ватанимизга жалб этиш учун фаол хизмат қилмоқда.

Лекин қарийб 250 миллион аҳолиги эга араб дунёси мамлакатимизда охирги йилларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳақида бевосита илк манбалардан ахборот олиш имкониятига тўла эга бўлмаган эди. Бу эса, араб ишбилармонларининг мамлакатимиз ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишига қаратилган табиий интилиши йўлида гов бўлиб келаётган эди.

Тақдимноманинг иккинчи аҳамиятли жиҳати шундаки, нафақат араб дунёси, балки умуман мусулмон олами ичра алоҳида нуфузга эга мамлакат, Макка ва Мадина каби муқаддас шаҳарлар жойлашган мўътабар замин — Саудия Арабистонида бўлиб ўтди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ва мамлакатимизга кўрсатилаётган яна бир алоҳида ҳурмат ва эътибор белгисидир.

Маросимда Ўзбекистоннинг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Иногомов йиғилганларга китобнинг мазмуни, унда акс этган фикр ва мулоҳазалар тўғрисида сўзлаб берди.

Президентнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби Байрутдаги «Шарикат ал-матбуот лит тавзиъ ван нашр» нашриёти томонидан арабчада чоп этилди. Нашрнинг китобдан ўрин олган кириш сўзида унинг мазмун ва моҳияти ҳамда руҳияти яхши акс этган. Жумладан, унда қуйидаги сўзлар бор: «Ушбу китоб ўз юртини чексиз севгувчи фуқаро, ислоҳий ислоҳотларнинг энг майда тафсилотлари ҳақида ҳам қайғурувчи давлат арбоби ҳамда ислоҳотлар ҳақида назарий фикр юритиб, уларни чин дилдан ҳимоя этаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари қаламига мансуб.

Китоб истиқлолдан олдинги воқелик, мустақиллик қўлга киритган ёш республика олдида пайдо бўлган қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилиб, ўзбек халқи республика раҳбарияти бошчилигида мамлакат ва унинг имкониятларига мос босқичма-босқич ўтказилаётган ислоҳотлар орқали ўз ватанининг юксалишини таъминлашга эришаётганини акс эттиради.

Мазкур китоб ўхшаш вазиятни бошдан кечираётган ҳар бир халқ, бўҳронга дуч келган ҳар қандай миллат, қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлларини излаётган ҳар қандай жамият учун фойдали дарсдир».

Нашрнинг ушбу талқини ва китобга берган юксак баҳоси Ўзбекистон эришган ютуқларнинг чет эллардаги эътирофи, халқимиз ва мамлакатимизга хорижий дунё томонидан кўрсатилаётган хайрихоҳликнинг яна бир мисолидир. Дарҳақиқат, китобни расмий тақдим этиш маросимида ҳозир бўлган Саудия Арабистони расмий вакиллари, дипломатия корпуси вакиллари, ишбилармонлар ва бу мамлакатда яшаётган ватандошларимиз ҳам бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган хайрли ўзгаришлар ҳақида алоҳида меҳр ва самимият билан гапирдилар, халқимиз ва мамлакатимиз олдида турган масъулиятли вазифаларнинг амалга оширилишида муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 16 апрель, сешанба № 46 (21.967).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Иқтисодиёт олами • Иқтисодиёт олами • Иқтисодиёт олами

ПАХТАЧИЛИГИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ

Кейинги йилларда плёнка остида пахта етиштириш тажрибаси ҳақида кўп эшитардик. Бу тажриба асосан Испания, Исроил, Хитой мамлакатларида қўлланиларди. Ўтган йили эса андижонликлар ҳам шу усулни қўллаб, плёнка тагида ҳар гектар ердан 47-50 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Бу йил фарғоналиклар ҳам шу тажрибани қўллашга киришдилар.

Андижон механика заводида ишлаб чиқарилган сеялкаларда плёнка остида аниқ уялаб чигит экса бўлади. Бағдод туманидаги Ҳазиний номли жамоа хўжалиги ана шундай плёнкалардан сотиб олди. Уни Ўзбекистон туманидаги Шурсув шаҳарчасида жойлашган «Зироат» кичик корхонаси тайёрлаб берди. Хўжаликнинг А. Юнусов бошлиқ бригадасида янги сеялка билан чигит экила бошланди. Хитойликлар ҳар гектар майдонга 10-12 килограммдан уруғ ташлашар экан. Ҳазиний номли жамоа хўжалигида эса баракали ҳосил етиштириладиган қилиб чигит экиляпти. Ҳозиргача бригадада 44 гектар ерга барака уруғи қадалди. Плёнка остидаги чигитлар эса унмоқда. Баҳор кеч келган ҳозирги шароитда бунинг фойдаси катта. Чунки тупроқнинг ҳарорати оддий тупроқдагидан 4-5 даража иссиқ. Бригада аъзолари плёнка остида ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олишни мўлжалга олишган.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР КУН ОЛДИН ЭКСАНГ...

Барвақт қилинган ҳаракат, илғор усулни жорий этиш натижаси Олтинкул туманидаги «Коммуна» жамоа хўжалигининг Сиёсатхон Абдуллаева бошлиқ бригада деҳқонлари фаолиятида кўринди. Миришкорлар 52 гектар ернинг 30 гектарига чигитни плёнка остига экишган. Дастлабки уруғ тушган пайкалларда чигитлар қийғос униб, ғўзалар қуёшни кўрди.

Балиқчи туманидаги Олимбек номли жамоа хўжалигининг Абдумутал Дурмонов етакчилик қилаётган бригада аъзолари ҳам деҳқончиликда янгиликка қўл урдилар. Уларнинг тадбиркорлиги билан 10 гектар ер плёнкадан «либос» кийди. Шу кунларда уруғ униб, ер юзини ғўза ниҳоллари қоплаяпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Айни кунларда республикамиз сабзавоткорлари астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар далаларга серҳосил сабзавот кўчатларини экмоқдалар. Уларга кўчат етказиб беришда Зангиота туманидаги «Қўйлиқ» агрофирмаси жамоаси яқиндан ёрдам бермоқда. Шу кунгача миллионлаб карам, помидор ва болгар қалампири кўчатлари етказиб берилди. Агрофирманинг 24 гектарлик иссиқхонасида эса айни пишиқчилик. Бу ерда помидор, бодринг етилиб пишган. Бугунгача шаҳар аҳолисига кўплаб бодринг, помидор ва турли ош-қўклар етказиб берилди.

Санъат Шерматова агрофирманинг илғор сабзавоткорларидан. У мана ўн йилдан бери иссиқхонада меҳнат қилади. Унинг меҳнатидан бутун жамоа хурсанд.

Суратларда: 1. Илғор сабзавоткор Санъат Шерматова. 2. Агрофирма иссиқхоналаридан бирида.

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

РАНГО-РАНГ МЎЙНАЛАР

Яқинда Наманган вилоятидаги «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида Олмониянинг «Текстима» фирмаси билан ҳамкорликда янги фабрика ишга туширилди. Йилига 1,5 миллион квадрат метр сунъий мўйна ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхонани жиҳозлаш учун 3 миллион 980 минг немис маркаси сарфланди.

Хорижлик шериклар иштирокида бунёд этилган корхонада бугунги кунда 70 киши меҳнат қилмоқда. Улар сафига яна 30 киши қўшилади.

Ранго-ранг товланувчи мўйналардан ишлаб чиқарилган, харидорга жозиба бағишлайдиган пойабзаллар, камзуллар, диван ва стол жилдларига талабгорлар кўпайиб боряпти. Саноатчи-ишбилармонлар ҳозиргача 10 минг погон метрдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ШУ СОНГА ШОШИЛИНЧНОМАЛАР

Оҳангаронликлар ҳам Россия Давлат Думаси қарорига салбий муносабатларини билдирмоқда. Бу Россияда бўлажак сайлов олдидан кўр-кўрона коммунистларнинг овоз олишга қаратилган уринишларидир. Улар ўз қарорлари билан шўролар даври — мустамлакачилик ғоясидан воз кечишни истамаётганлигини яна бир намойиш қилиб, жаҳон жамоатчилиги олдида сохта ташвиқотларни жар солдилар.

Халқлар тақдири билан ўйнашиб бўлмайди. Россия Давлат Думасидаги жаноблар чучварани хом сапашади.

Жаббор ЭРГАШЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, партия ва меҳнат фахрийси.

***

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг бешинчи йилини ислоҳотларни жорий этишдаги қувончли натижалари билан нишонламоқда. Ана шундай бир шароитда Россия Давлат Думаси собиқ Иттифоқни тиклаш ҳақидаги қарори истиқлолимизга соя солишга уриниш деб баҳоланиши керак. Айни маҳалда бу қарор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида давлатлар ўртасида вужудга келган ва шаклланишда давом этаётган ўзаро муносабатлар негизига путур етказади.

Биз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари жойларда меҳнаткашлар билан мулоқот қилганимизда мустақилликни асраш учун халқ бирдам ва аҳил эканлигига гувоҳ бўляпмиз. Туманимиздаги Бошлиқ, Қушбеги, Яккасарой ва бошқа маҳаллаларнинг турли ёш ва миллатга мансуб одамлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ЎзА мухбири саволларига жавобидаги нуқтаи назарга тўлиқ қўшилганлигини айтишмоқда. Бугунги кунда танлаган йўлимизда қийинчиликларга дуч келаётган бўлсак-да, мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонамиз ва бизни танланган йўлимиздан буриб бўлмайди. Истиқлол нуридан баҳраманд халқимизнинг яқдил фикри шундай!

Аброр ҲАМРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгаши иккинчи котиби.

DIQQAT, YANGI RUQN!

Яккама - якка

Газетамизнинг бугунги сонидан бошлаб «Яккама-якка» рукни остида долзарб мавзуда мақолалар бера бошлаймиз. Уларда кўпчиликни қизиқтирган саволларга бевосита ўша масала билан машғул кишилар — мансабдор шахслар жавоб беришади. Газетхон номидан ваколат олган журналист сўз юритилаётган мавзуга оид мутасаддилар билан яккама-якка мулоқот қилиб рўйи-рост, ошкора ахборотни етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ислоҳот ва масъулият

ҚИШЛОҚ ҚАЧОНГАЧА ОРҚАДА ЮРАДИ?

Ҳудуди Қашқадарё вилоятида энг йирик туманлардан ҳисобланган Чироқчи туманида ўтмишда тўпланиб қолган иқтисодий-ижтимоий муаммолар бирин-сирин ҳал этилмоқда. Табиий қийинчиликларни енгиб ўтиш, одамларни иш билан таъминлаш, кичик саноатни вужудга келтириш осонлик билан кечмаяпти. Буларнинг ҳаммаси эртанги кун режалари, ташвишлари билан боғлиқ. Хўш, Чироқчининг эртаси нималарга боғлиқ?

— Тупроқда ҳали униб чиқмаган уруғ бор, — дейди «Чияли» хўжалиги қирларида учратганим кекса деҳқон. — Оқ қуйруқ бўлиб қолганларини совуқ урди. Лекин қолганида ҳам барака кўп. Насиб этса, ҳосил шошириб ташлайди.

Ҳа, бу йил баҳор Чироқчи адирларига кечикиб келди. Кузакда ёмғир кам бўлгани туфайли қарийб 15 минг гектар лалмидаги ғалла тўлиқ кўкариб чиқмади. Умуман, икки йилдан буён табиат чироқчиликларнинг матонатини синовдан ўтказмоқда.

— Туманимиз аҳолиси учун қишлоқ хўжалиги тараққиёти, мўл-кўл маҳсулот ҳаётий заруратдир, — деди туман ҳокими Турсунпўлат Каримов. — Республикамизда лалмикор ерларда етиштириш мўлжалланаётган ғалланинг бешдан бир қисми туманимиз ҳиссасига тўғри келади. Бу йил 72 минг гектар лалми, 10,5 минг гектар суғориладиган майдонда ғалла ўстириляпти. Жами 112 минг тонна дон етиштириш, шундан 56 минг тоннасини давлатга сотишни режалаштирганмиз.

— Дон ва бошқа маҳсулотларни ташиш, четга чиқариш катта харажатлар талаб қилмоқда. Бу муаммони ҳал қилиб бўладими?

— Гапингиз тўғри, — дейди сўзида давом этиб Турсунпўлат Каримов. — Чироқчидек кўп тармоқли ва мўл маҳсулот етиштираётган туман учун темир йўл сув ва ҳаводек зарур. Яккабоғдан тортилаётган 15 километрлик темир йўл қурилиши тезроқ якун топса, катта қулайликка эга бўламиз. Шу пайтгача 11 та хўжалик камида 80 километр йўл босиб, етиштирган донини Айритомдаги тайёрлов идорасига ташиб келяпти. Урта ҳисобда 20 минг тонна донни ташиб боришнинг харажатлари озмунча эмас. «Коммуна» хўжалиги ҳудудида янгидан тузилган тайёрлов идораси муш-кулни осон қилади. Фақат дон етиштириш эмас, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантиришга ҳам киришдик. Айритомда қурилган корхона бир кунда 25 тонна ун тортади. Яна ҳар куни 10 тонна ун тортадиган корхона яқинда иш бошлайди.

Иқтисодимизнинг асосий тармоғи — пахтачилик. Утган йили табиий офат катта қийинчилик туғдирганига қарамай, анча машаққат билан 28,5 минг тонна пахта сотиб, режани бажардик. Ана шу туфайли 40 фоиз маҳсулотни ўзимиз сотиш имтиёзи камида 320 миллион сўм даромад келтиради. Шунинг учун ҳам пахтачиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил 10,5 минг гектар майдонда пахта етиштирамиз, ҳосил ўтган йилгидан кам бўлмайди.

— Тадбиркорлик, кичик саноат тараққиёти— ҳаётий заурат. Туман анча йиллардан буён бу борада оқсаяпти. Сабаби нимада?

— Фикрингизни эътироф этмай илож йўқ, — дейди ҳоким. — Негаки, ўтмишда тумандан фақат маҳсулот талаб қилингани ҳолда саноат тараққиёти, қишлоқлар ободончилиги ма-салалари билан етарли даражада қизиқилмаган. Истиқлол туфайли уларни амалда ҳал этишга киришдик. Ҳукуматимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишда анча орқада қолган туманимизга ҳар томонлама кўмак беряпти. Олайлик, туманда меҳнатга яроқли 94 минг кишидан 61 минг нафари иш билан таъминланган. Кейинги пайтда бир қанча истиқболли корхоналар қуриляпти. Сабзавот, мева, сут маҳсулотларини ўзимизда қайта ишлаш имконияти яратилмоқда. Хусусий тадбиркорлик, мулкни ўз эгасига бериш, маиший хизмат тармоғини ривожлантириш орқалигина кўндаланг турган муаммони еча оламиз. Хўжаликларнинг барчаси ширкат ва жамоаларга айланган. Ҳозиргача деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, фирмалар 530 тага етди. Аммо, булар ҳали оз. «Бизнес фонд» тадбиркорлари билан ҳамкорликда 2000 йилгача бўлган истиқбол дастури ишлаб чиқилди. Янги аср бошигача қишлоқларимизда 3650 та турли-туман корхона, хусусий тадбиркорлик муассасалари ташкил этиб, 15,2 минг кишини меҳнатга банд этиш режаси тузиб чиқилган. Айни пайтда ҳам кичик корхоналаримиз 40 миллион сўм атрофида маҳсулот тайёрлашяпти. Булар келажак қалдиргочлари, албатта.

Қишлоқ ҳаёти, қишлоқ муаммолари... Аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилаётган Чироқчида ҳам бу муаммолар ниҳоятда долзарб. Масалан, 50 минг киши очиқ ҳавзалардан сув ичяпти. Тоза ичимлик суви, газлаштириш учун катта маблағ ва материаллар зарур. Аммо ҳеч ким қўл қовуштириб ўтирмаган йўқ. Бу муаммолар имкон даражасида ечимини топмоқда. Иккинчи «Муборак-Келеф» тармоғидан 42 километрлик қувурларни тортиб келиш давом этмоқда. Чироқчи янги газ тармоғига улангач, янгидан 500 дан ошиқ хонадонда «зангори олов» ёна бошлади.

Газлаштириш жадал олиб борилаётган, қишлоқда хусусий тадбиркорлик ривож топаётган хўжаликлардан бири «Коммуна» жамоа хўжалигидир. Бу хўжалик тажрибаси кўплар учун ибратдир. Хўжалик деҳқонлари табиий офат туфайли режадагидан 520 тонна кам, жами 2410 тонна дон етиштиришди. Аммо, умидсизликка тушишмади. Пахта режасини ошириб адо этишди. Бу 1 миллион 609 минг сўм фойда келтирди. Ҳозиргача 700 дан ошиқ хонадон газлашган. Хўжалик раиси Нортожи Умаров тадбиркор, эртани кўзлаб режа тузадиган раҳбар чиқди.

— Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда қишлоқни ривожлантириш, обод қилишга алоҳида тўхталдилар, — дейди у. — Тўғри-да, қачонгача қишлоқ тараққиётдан орқада юриши керак? Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, деган мақол бор. Биз деҳқончиликни ривожлантириш, хонадонларни тезроқ газлаштириш билан бирга маиший хизмат тармоғига ҳам катта эътибор беряпмиз. Ун уч минг етти юз киши истиқомат қилаётган қишлоқларимизда 9 та тегирмон, 21 та мойжувоз, 2 та новвойхона, 3 та темирчилик, 3 та пахта титиш, аккумулятор созлаш, пойабзал тикиш, ёғоч қирқиш каби қўйингки, 60 га яқин маиший хизмат шахобчасига эгамиз. Консерва корхонамиз бор. Ҳозир ун тортадиган корхона ишга тушириляпти. Тандир цехимиз туманимизнинг ярмини таъминлайди. Сутни қайта ишлаш корхонасини қуриб олдик. «Бизнес фонд» билан ҳамкорликда қуюлтирилган сут ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Оҳак тайёрлаш цехи фойдаланишга топширилади. Ҳозир бу ишларда 250 киши банд бўлса, ҳадемай икки баробар ошади. Биз эртанги кунга ишонч билан меҳнат қиляпмиз.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори

ҲИССАДОРЛИК

Шароф Рашидов номидаги Шўрчи ун заводи ўтган 1995 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганди.

— Ҳиссадорлик қисқа вақт ичида бизга катта муваффақиятлар келтирди — дейди жамият раиси Эркин Қурбонов. — Ўтган йилни жамиятимиз 120 миллион сўм соф даромад билан якунлади. Ўз акциямизга эга бўлдик. Бугунгача ана шу қимматбаҳо қоғозларнинг 60 фоизи ишчиларга сотилди. Яқин кунларда уларга дивиденд берамиз. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов яқинда бўлиб ўтган мажлисда: «Мулк эгаси учун эса албатта кафолат зарур. Инсон қандайдир бойликнинг, аниқроқ қилиб айтсак — қимматли қоғозларнинг ҳақиқий эгаси бўлгач, уларни қўлдан чиқаришни хоҳламайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўз мулки сақланиб қолишига ишончи комил бўлишини хоҳлайди — бу ҳақли истакдир. Бинобарин, биз унга ана шундай кафолат беришимиз керак» — деганди. Биз ишчи-хизматчиларимизни акциялар билан таъминлаб, улардан унумли фойдаланишлари учун ҳаракат қиляпмиз.

Шўрчилик ҳиссадорлар айни кунларда халқимизнинг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида унумли меҳнат қилишмоқда. Жамоа вилоят аҳолисининг 90-95 фоизини ун билан тўлиқ таъминлаб келяпти. Корхонада ҳозирги кунда «Ўзбекистон уни» ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Иккита тегирмон мунтазам ишлаб турибди. Бир кеча-кундузда бу тегирмонлар 500 тоннагача ун ишлаб чиқаради. Яқин йилларгача буғдой валюта ҳисобида асосан хорижий мамлакатлардан келтириларди. Икки-уч йилдан буён эса ҳиссадорлик жамияти асосан вилоятда етиштирилаётган ғаллани қабул

ФОЙДА

қиляпти. Бу деҳқонларга ҳам, ғаллани қайта ишловчиларга ҳам қулай. Нега деганда техника, ёнилғи ва бошқа нарсаларга кетадиган сарф-харажатдан халос бўлинди.

Ҳиссадорлик жамиятида имкони борича ишчиларга қулайликлар яратиляпти. Ошхона, тиббий бўлинма, вилоятда энг катта — ўн минг кишилик стадион улар хизматида.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик, завод - фабрика ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши шарт. Замон талаби ҳам шуни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан жамоа аҳли макарон, новвот ва спирт ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйди. Бир кеча-кундузда новвот цехида 400 килограммгача новвот тайёрланмоқда.

Кейинги вақтларда Сурхон воҳасидаги бир қанча тегирмонлар эскирганди. Лекин, ички имкониятлар ишга солингандан кейин бунга барҳам берилди. Май ойидан бошлаб Швейцариянинг «Биллер» фирмаси билан ҳамкорликда тегирмонларни тўлиқ таъмирлаш ишлари бошланади. Бунинг учун барча асбоб-ускуналар ҳозирланган. Таъмирлаш ишлари ўтказилгандан кейин тегирмонлар бир кеча-кундузда 600 тонна ун ишлаб чиқаради. Бу аҳолини 100 фоиз ун билан таъминлаш демакдир.

Ҳиссадорлик жамиятининг ёрдамчи хўжалиги бир неча йилдирки, ишчиларга арзон нархларда гўшт, сут, қатиқ, қаймоқ каби маҳсулотларни етказиб бермоқда. Беш юздан ортиқ қорамол, икки юз бош қўй яхши парваришланмоқда.

— Жорий йилнинг иккинчи чорагида колбаса тайёрлаш цехини ҳам қурмоқчимиз, — дейди раис ўринбосари Холбой Қурбонов. — Бу колбасалар корхонамизга қарашли ик-

КЕЛТИРЯПТИ

кита болалар боғчасига ва минг нафардан ортиқ ишчиларимизга берилади.

Ҳа, мулкка муносабат чиндан ҳам ўзгарса, самарали меҳнат қилинса ҳиссадорлик корхонага ҳам, акция эгаларига ҳам фойда келтираркан. Биз Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда яна бир бор бунинг гувоҳи бўлдик. Шўрчилик ун ишлаб чиқарувчиларнинг орзуси халқимиз дастурхонини доимо иссиқ нонларга тўлдиришдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАММАСИГА УЛГУРИШ КЕРАК

Депутат минбари

Орадан вақт ўтди. Ўйлагани, эплаганини қилишга улгурди депутат. Бир вақтлар сайловчи номзодни танимай, билмай, кўрмай овоз берарди. Иши битган депутат мандати тугагунча, ундан кейин ҳам учрашмасди халқ билан. Бу ҳол ўтмишда қолди. Энди депутатнинг мақоми, юмуши бўлакча. Халқчил, тараққийпарвар, миллатпарвар, юртпарвар.

Депутатлик нима ўзи? Масъулиятми, мажбуриятми? У халқ олдида ўзини қандай тутмоғи керак? Депутатга ишхонаси бош масалами ёки сайланган округи? Давлат олдидаги бурчи масъулиятлими ё халқ олдидагисими?

Буни ҳар ким ўз қаричи-ла ўлчайди. Депутат эса қонун, инсонийлик нуқтаи назаридан қарайди бунга. «Ўзэлектроаппарат» акционерлик жамияти бош директори, Олий Мажлис депутати Абдуманнап АЛИМБОЕВнинг ҳам бу ҳақда ўз қарашлари бор.

— Абдуманнап ака! Сайловчиларингиз билан бўлаётган муносабатда ўзингизни қандай тутгингиз келади?

— Улар билан баб-баробар. Қариндош-уруғдек. Ҳар маҳаллада, ҳар даҳада буламан. Ойида икки-уч марта учрашаман. Кўп одамлар қабулимга келади. Бирови тўйга айтади. Бораман. Таъзиясини эшитсам қолмайман. Қаёққа таклиф этишса вақт топиб албатта ўтаман. «Қоракўл», «Оқ уй», «Қорасув» маҳалласидами — нуқул йўлда, халқ орасидаман. Канализациядан бошлаб масжиднинг, черковнинг ободлигига оид барчасидами ёки бошқа икир-чикирми барини кенгашиб ҳал этишга ўрганиб қолдик.

Депутатликда бир нозиклик бор. Тўқсон тўққиз кишининг кўнглини олиб, бировнинг саволига беэътибор бўлсанг назардан қоларасан. Шунинг учун айтаман-да депутат ишини, муомаласини юз фоиз бажармоғи шарт. Негаки, саволига жавоб олмаган киши депутатдан эмас, Парламентдан хафа бўлади. Бу муҳим нарса.

Ҳузурингизга келган одам касалми, чарчаганми, кўнгил қўйиб, бор вужудингни бериб тинглашинг керак уни.

Жума куни бир оқсоқол қабулимга келди. Вақтим зиқ бўлганидан кўнглидан чиқолмадим ўзимча. Дилим ғаш бўлди. Охири шанба куни одам юбориб, қарияни чақиртириб келдим.

— «Ота сиз мен билан хайрлашмай кетдингиз. Хафа бўлдингиз-а»,— дедим отахонга.

У одам ғалати бўлиб кетди... Бир-биримизга самимий кўз тикдик...

— Айримлар бор. Депутат унинг ҳар бир муаммосига аралашиши шарт деб ўйлайди. Улар ноиб халқ хизматкори, деган ақидани шундай тушунадилар-да.

— Энди беайб парвардигор. Олдинроқ эди. Бир сайловчим келди. Уғлининг устидан арз қилди. Ёрдам бермасмиш. «Нега уни йўлга солмайсиз», дейди. Тушунаман. Куйганидан айтди. Лекин фарзанди ноқобил экан, ўзи айблор эмасми? Барибир бефарқ қолдирмадиму ачиндим. Аммо ўйлаб кўриладиган ишлар-да булар. Тўғри баён қила олдимми фикримни билмадиму бироқ айб демайман буни. Йиллар давомида йиғилиб қолган жароҳат у. Ҳали-ҳануз депутатнинг вазифаси нима, мақоми нима, хизмати нима, билмаймиз чунки.

Буни яна шундай изоҳлаган бўлардим. Асрлар давомида бировларнинг ноғорасига уйнаб келдик. Топшириғини бажардик. Фикр нима? Баъзан тезлаштирилмайдиган жараёнлар ҳам буларкан. Ўйланг, 70 йил зулм остида яшаган халқнинг икки-уч йилда дунёқарашини янгилаш осонми? Чунки шунча вақт бир хил формацияда ўқишлашди. Тезда бошқа формацияга ўтишни тасаввур қилиб кўринг. Ҳозир анъаналаримиз, урф-одатларимизни тиклаяпмиз. Тараққиётга хизмат қиладиган томонга ён босяпмиз. Иллатлардан воз кечиляпти. Натижаси нима бўлишини айтайми? Буюк ўзгаришларга эришилади. Залворли, иқтисодий, маънавий сакрашлар юз беради. Ҳалқ амалий санъати юксалади. Фольклор кучли бўлади. Бунга вақт керак.

— Сиз раҳбарлик қилаётган корхона — «Ўзэлектроаппарат» бошқа ишхоналардан нимаси билан фарқ қилади?

— Бизда уй олиш учун навбатга туриш деган гап йўқ. Таъминлаб қўйганмиз. Ўзимизнинг мактаб, болалар боғчаси, ясли бор. Ишчиларимизнинг фарзандларини олий ўқув юртларига йўлланма асосида юборамиз. Албатта билими, иқтидорига қараб. Меҳнат қилиш, дам олиш шароити жойида. Спорт, халқ ижодиёти доимий овунчоғимиз. Завод жамоаси «Ричард-III», «Сирано де Бержерак», «Гамлет» каби асарларни саҳналаштириб, Навоий номидаги опера ва балет Академик катта театрида ижро этди. Айтингчи, ким қила олади буни? Ишини севган, санъатни севган, миллатини севган жамоа қилади! Менимча, бугунги депутат ҳаммасига улгуриши керак.

— Энди қабул қилинаётган қонунлар ҳақидаги, Парламент ҳақидаги фикрингизни билсак.

— Аввало, бизнинг Парламент босиқ, залворлилигини таъкидлагим келади. Ортиқча ҳис-ҳаяжонсиз ишлаш, яшаш халқимизга хос хусусиятлардан биридир. Унинг Парламенти ҳам шундай. Айнан миллат шакл-шамойилига ҳамоҳанг.

Олий Мажлиснинг ўтган тўрт сессиясида қатор қонунлар қабул қилинди. Унинг бариси ёш мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга, халқнинг орзу-ўйларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Баъзан эшитиб қоламан «Қонунларга ўзгартиришлар кўп бўляпти» деб. Мавриди келганда ўшаларга айтиб қўймоқчиман. Тараққиёт ўзгаряптими? Халқаро сиёсат ўзгаряптими? Турмуштарзимиз ўзгаряптими? Ҳа! Нега энди қонун қотиб қолиши керак. Илгариги қонунларда бозор иқтисодиёти, мулкчиликнинг турли кўринишлари кўзда тутилганмиди? Йўқ.

Кўпгина мамлакатларда бу лишга тўғри келяпти. Ўша хорижда қонунларимизнинг кучли, ҳаётий эканлигига тан беришади. Шведлар, швецарлар, данияликлар, немис, японлар билан учрашганимда айтишган: «Алимбоев, сизларда мукаммал қонунлар қабул қилиняпти. Парламентларинг кучли. Халқларинг самимий» деб. Нега эътироф этишади? Чунки биз алдоқчиликни билмаймиз. Борини борлигича айтамиз. Меҳмонга жонимизни берамиз. Оиламизни севамиз биз ҳам. Ўзбекистонимизни севамиз биз ҳам. Бошқалардан камлигимиз йўқ.

— Ҳозирги кўппартиялилик шароитида ҳар бир партиянинг ўз фракцияси мавжуд. Уларнинг бир-бири билан ҳамкорликлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ўзбекистон якка партиявийликдан воз кечди. Тараққиётимизни олдиндан кўрган ҳолда кўппартиявийликка асосланган йўлни маъқул топдик. Чунки, фикрлар ранг-баранглигидир бу. Сайловда ҳам номзодлар кўрсатишда партияларнинг ҳуқуқлари тенг кўрилди. Халқ демократик партиясими, «Ватан тараққиёти»ми, «Адолат» партиясими аслида мақсадимиз бир: мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ривожланишига хизмат қилиш. Ватанимизда яшаётган миллатнинг мазҳабидан, эътиқодидан қатъи назар унинг фаровонлиги, анъаналарини такомиллаштириш. Ҳуқуқий демократик давлат қуришда ёнма-ён бўлиш асл ниятимиз.

Яна қайтараман. Биз қайси партия фракциясидан бўлмайлик, ака-укадекмиз. Ҳамфикрмиз. Муаммоларни босиқлик билан ҳал этамиз. Республикани бой қилсак, халқни бахтли қилсак, Ўзбекистоннинг номи машҳур бўлади. Мақсадимиз ана шу.

— Бурчга муносабатни қандай тушунасиз?

— Мен ҳамиша дашном олишдан чўчийман. Дашном менга энг оғир жазо. Шу сабабдан доимо ишни, топшириқни, вазифамни бажаришга ҳаракат қиламан. Ваъда бердимми, қўрсатма олдимми битказиб кейин тинчийман. Депутат, раҳбар, мустақилликни асрамоқчи бўлган Ўзбекистон фуқароси шундай бўлмоғи керак.

Яна айтадиган бўлсам, юртингни, она-тупроғингни севасанми — олдин ишни дўндириб, сўнг гапиргин. Даврнинг талаби, келажакнинг талаби бу.

Депутат ишхонасида қандай, сайловчи ҳузурида қандай бўлиш кераклиги ҳақида шундай дейман. Ҳар иккисининг қаршисидаям у билимдон, зийрак, маданиятли, қўли узун бўлмоғига не етсин.

«Ўзбекистон овози» мухбири Қурбон АЛИ суҳбатлашди.

Яккама — якка

Қишлоқда меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми далаларда ишлаётганлиги, бу ҳол ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан истиқболли эмаслиги турли йиғинларда қайта-қайта таъкидланмоқда. Шу маънода республика маҳаллий саноат тизимида ҳам туб ислоҳотларни амалга ошириш тақозо этилади. Хўш, бу борадаги вазифалар мазкур тармоқда қандай бажариляпти? Бугунги кун талаблари асосида ишлаш учун нималар қилиняпти? Биз шундай саволлар билан «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси раиси Авазхон ҚОЗОҚХОНОВга мурожаат қилдик.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МУАММОЛАРИ

— Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ишлаб турган аҳоли 4,5 миллиондан зиёдни ташкил этади, уларнинг асосий қисми ўз ризқини ер билан боғлаб келмоқда. Хўш, уларни дала ишларидан озод қилиш, аҳолини саноатга жалб этиш учун нима қилиш керак? Бунинг учун тўртта йўналиш бўйича иш олиб боряпмиз. Биринчиси — бўш иш жойларига аҳолини жалб қилиш. Иккинчиси — ишлаб турган корхоналарнинг икки сменага ўтишини таъминлаш (айтайлик, 200 ишчи жойида ишлаётганлар сони ортиқча сарф-харажатсиз 400 тага етиши мумкин). Учинчиси — мавжуд ишлаб турган корхоналарда қўшимча иш жойлари ташкил этиш. Кейинги йўналиш эса янги корхоналар барпо этишдан иборат. Ана шу йўналишларнинг ҳаммасида муҳим мезон — бозорталаб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш вазифасини доимий назоратда сақлаш керак.

Ҳозирги кунда тизимдаги 444 та корхонадан 440 таси давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган. Маҳсулот сифатини яхшилаш учун замонавий технологиялар жорий этилиши керак. Бунинг учун чет эллик ҳамкорлар билан қўшма корхоналар очиш талаб этилади. Ҳозир тизимимизда 28 та қўшма корхона ишлаб турибди, йил охиригача яна 8 тага кўпайиши керак. Туркия ва Европа банки сармоя қўшган «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси келгуси йил охирида ишга тушса яна 1200 та ишчи дастгоҳлар олдида меҳнат қила бошлайди. Шу ерда Туркия билан биргаликда тузилган «Касмир-Дери» қўшма корхонаси шу ойнинг охирларида ишга туширилади. Россия билан ҳамкорликда қурилаётган «Югтекс» корхонаси 1997 йилда 400дан зиёд Уйчи туман аҳолисини ўз бағрига чорлайди.

Агар ҳозир қишлоқ жойларидаги 163 та корхонада 18,3 минг иш жойи мавжуд бўлса, яқин келажакда яна 12,5 минг қўшимча иш жойи вужудга келтиришни дастуримизда алоҳида кўрсатдик. Албатта, бу ишлар маблағсиз ҳал бўлмаслиги аён, шу мақсадда 185 миллион сўмлик кредит олиш чун Давлат мулки қўмитасига, «Бизнес-фонд»га, Меҳнат вазирлигига ҳужжатлар топширилган. Шу йилнинг 1-чорагида эса 40 миллион сўм ажратилди. Таққос учун бир рақам: бултур йил бўйи олинган кредит 20 миллион сўм бўлган эди. 1996 йилда «Антекс» корхонасини ишга туширишу учун ҳукумат 343,4 миллион сўм имтиёзли кредит ресурсларини ажратди. Яна 5 та корхонамиз ўз вақтида ишга туширишу учун 69 млн. сўм банклар кредити ажратилди ва бу объектлар Республика инвестиция дастурига киргизилди.

Касодга учраган молларнинг тўпланганлигига турли сабаблар бор. Айрим ҳолларда савдо ташкилотлари маблағ тақчиллиги туфайли маҳсулотларимизни ололмайди. Бундан ташқари, дўконлар томонидан биз қўйган нархга 40-45 фоизгача устама белгиланганги ҳам молларнинг кетишига таъсир қилади. Агар маҳсулот ўзимизнинг фирма дўконларида сотилса устама 5-10 фоиз атрофида бўлади. Шунинг учун йилнинг биринчи чорагида 32 та дўкон очиб, улар сонини 216 тага етказдик. Натижа дарров кўринди: тайёр маҳсулот қолдиғи илгари белгиланган меъёрдан ошиқ бўлиб келса, ҳозир 268 миллион сўмликни ташкил этмоқда (меъёр эса 363 миллион сўмлик). Эндиликда ўз тизимимиздаги дўконлар сонини йил охиригача 300 тага етказиш кўзда тутиляпти. Таниқиддан тўғри хулоса чиқарилгани туфайли биринчи чорак якуни бўйича халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,3 фоиз, товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,4, фойда олиш 2 фоизга кўпайди, бирорта ҳам корхона зарар келтирмади.

Корпорация кенгаши белгиланган дастур ижросини учинчи чоракда таҳлил қилишни режалаштирди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ суҳбатлашди.

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилояти кенгаши пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XV пленуми якунлари, ислоҳотларнинг янги босқичида, хусусан кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов маърузаси тингланди.

Пленум иштирокчилари ҳамда музокарага чиққанлар Россия Давлат думасининг қарорига ўз фикрларини билдириб, мамлакатимиз раҳбарининг Россия Федерацияси Президенти Ельцинга йўллаган мактуби, шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирининг шу мавзуга доир берган саволларига жавобларини қўллаб-қувватладилар.

Пленум ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Насимов нутқ сўзлади.

Илҳом КАРОМОВ.

***

Самарқандда вилоят партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IV сессиясида сўзлаган нутқидан ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Рустам Облоёров маъруза қилди. Музокарада қатнашганлар бугунги кунда партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш ҳаётнинг долзарб талаби эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби Ҳ. Авезов нутқ сўзлади.

Пленум ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Рашидов қатнашди.

Фармон ТОШЕВ.

Бугун юртим далаларида.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

ҚИЗИҚЧИГА ГАЗЕТА МУКОФОТИ

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши нашри — «Регистон» газетаси ҳозир ўзининг 3,5 минг нафар обуначисига эга. Газета ташкил топганлигининг бир йиллиги муносабати билан «Регистон» соврини учун ўтказилган кўпкарида 300 чавандоз иштирок этди.

Газета таҳририяти ташаббуси билан шаҳар маданият ва истироҳат боғида ҳаваскор қизиқчилар фестивали уюштирилди. Ўттиз нафар қизиқчи ўзининг ичакузди кулгилари билан кўпчиликни қувонтирди. Фестиваль қатнашчиларига газетанинг мукофот ва совринлари топширилди.

(Ўз мухбиримиздан).

ЎЗЛИГИНГНИ ЙЎҚОТМА

Муносабат

Ўзбек миллати қадим-қадимдан юксак маънавиятга, маданиятга эга халқдир. Бу маънавият, маданият салоҳиятини бутун жаҳон тан олган ва ундан андозалар олиб келган. Бунга тарихий мисоллар жуда кўп. Икки ярим минг йилдан аввал ҳам Самарқанду Бухоролар гуллаб яшнаганлиги, жаҳон пойтахти даражасида бўлганлигини ким инкор эта олади ахир? Фақат шундай маънавиятга эга миллатгина минглаб йиллар оша ўз салоҳиятини, обрўсини сақлаб қола билади. Лекин совет мустамлакаси даврида бу қадриятлар ваҳшийларча, маккорона йўқ қилиб ташланишга ҳаракат қилинди. Чунки совет тузумининг асосий мақсади ҳар бир миллат маънавияти ва тарихий қадриятларини йўқ қилиб ташлаш, советлар қўлигига кўникувчи, унга қарши чиқа олмайдиган янгича дўрагай миллатни яратиш эди. Афсусларким, етмиш йилдан ортиқ давр мобайнида миллат маънавиятига қарши олиб борилган режали таъсир натижасида улар бу ниятларига қай бир даражада эришдилар ҳам. Фарзандлар билан ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар орасидаги муносабатлардан файз кета бошлади. Ўзбек фарзанди ўз отаси кўзига тик боқа олмас, бунга кучли ички эҳтиром ва ҳурмат йўл қўймас эди. Афсуски, советлар даврида собиқ «ривожланган ғоя» таъсирига тушган миллат авлодларининг баъзилари маънавий бузилиб, ўғил ота билан ёқалашадиган, судлашадиган ва уни ҳақорат қиладиган бўлиб қолиш даражасига ҳам етдилар. Фарзандлар ўз пушти камарларига, оқ сут берган оналари ҳолига бефарқ қарашга кўникдилар.

Собиқ тузум ахлоқ кодекслари ҳаётдан узиб қўйилганлиги, миллат маънавиятига таъсири шундай хунук натижаларга олиб келди. Энди ўзбек миллатини хўрловчи «Қариялар уйи», «Болалар уйлари» пайдо бўлди. Қадим тарихимизда бундай муассасалар бутунлай бўлмаган эдику, ахир! Фарзандлар ўз кекса ота-оналарини елкаларида кўтариб Маккаи Мадиналарга олиб борганлар ахир. Ўзбек аёллари фарзандларини «Болалар уйлари»га бериш нима эканини билмас эдилар. Ҳатто бундай жойларни тасаввур ҳам қила олмаганлар. Ота-онани хўрлаб қўйиш, фарзандини ташлаб кетиш бизда гуноҳи азим ҳисобланган. «Ғамхўр» совет давлатида эса аввал миллатнинг маънавиятини бузиб, сўнгра ана шундай уйларни очиб олижаноблигидан ғурурланиб юрганлар. Фарзандлар мол-мулк талашиб оталар билан судлашуви, ака-укаларнинг, опа-сингилларнинг мерос талашганлари миллатимиз маънавиятига иснод бўлиб ўлатдек ёпишди. Албатта, унинг заминида нопок ғоя солган заҳар ётар эди. Ундан униб чиққан ниҳоллар шундай ҳосил бера бошлади.

Миллат қанчалик пароканда бўлса, у шунчалик қулга айланарди. Аёлларимизни тенг ҳуқуқли қиламиз, деб сунъий қаҳрамонлар яратдик. «Тонналаб пахта териб, Турсуной бўлай дейман» қўшиқлари янграб аёлларимизни «пўлат от»ларга миндириб, эркаклар касбига йўлладик. Бундан турли касалликларга гирифтор қилиб наслимизга шикаст етказа бошлади. Аёлларимиз заифлашиб ўз дилбарлигини йўқота бошлашди. Тарихдан «Мен ўзбекман» деган ориятли эркаклар ўз аёлини хўрлаб, уларни бундай номуносиб оғир зарарли касбларга ташлаб қўймаганлар.

Миллатимизда давлат ишларига жозиба қўшиб, давлат юргазишда буюк фазилатлар киритган Нодирабегимлар бўлган. Лекин ҳеч қачон уларни эркаклар оғир жисмоний меҳнатга мажбур қилмаганлар. Улар ҳар қандай шароитда ҳам аёллик ниятсиз киши сифатида, лекин ўз она тилини билмайдиган, «Ленин тили»да сайрайдиган ўзбеклар эса ўта замонавий, маданиятли кишилар ҳисобланганлар. Эндиликда соф ўзбек тилида сўзлашиш барчамизнинг кўнглимизга ҳузур бериб, ўзимизга ҳурматимизни ошириб ғурур бахш этиб келмоқда.

Ўзбекларга хос бўлиб қолган яна бир хислат — маҳаллаларнинг ўрнидир. Советлар даврида бу йўлда катта қўпорувчилик асрлар мобайнида орзу қилиб келган олий мақсад эди. Тилим дея қанчалар юртдошларимиз ўз ширин жонларини қурбон қилиб кетмадилар. Ўларнинг руҳига миннатдорчилик ҳисси ила энди ўз она тилимиздан ғурурланиб юрмоқдамиз. Ёдимизда, «Ҳосил байрамлари» — республика қурултойи кунларида Тошкентга бутун республикадан пахтакорлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари йиғилар эдилар. Залда, асосан ўзбеклар ўтирсаларда, маърузалар рус тилида ўқиларди. Лекин республика раҳбари бир нечагина сўзни ўзбекча сўзлаши залда ўтирган миллий тилимизга чанқоқ деҳқонлар, меҳнаткашлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қарши олинар эди. Йил бўйи меҳнат қилиб, улкан ютуқларга эришган кишилар учун бу энг олий мукофот бўлар эди. Бу гапда ҳам муболаға йўқ, барчамиз уни аниқ эслаймиз.

Ҳар қандай мансабга тайинланадиган киши аввало рус тилини қандай билишлигига эътибор қаратилар эди. Билмаса унинг учун раҳбарлик ҳам бегона. Аҳвол шу даражага бориб етдики, гаплашиш чоғида ўзбеклар уч-тўртта рус сўзини қўшиб сўзламаса бир-бирларини тушунолмай қолар эди. Рус тилини билмаган ўзбеклар мадаолиб борилди. Чунки, маҳалла ўзбекни ўзбек қиладиган, маънавиятини сақлаб қоладиган, ўз-ўзини бошқаруви орган бўлган эди. Агарда ака-укалар, қўни-қўшнилар ўртасида келишмовчиликлар чиқса, маҳалла аҳли уни донолик билан ҳал қилар, ҳукм чиқарар эди. Ҳатто номаъқул кишиларни маҳалладан кўчириб юбориш ҳуқуқига эга эди. Бир қизга етти маҳалла ота-оналик қилиб, уни иболи, миллатпарвар, олижаноб инсон қилиб етиштириб берар эди. Советлар даврида маҳаллаларга атайин эътибор бўлмади. ЖЭКлар бошқаруви тузилиб, одамлар бир-бирини танимай, ораларидан оқибат кўтарилди. Шукрларким, мустақиллик туфайли «Маҳалла ҳақида»ги қонун чиқарилиб, энди унинг маънавиятга ва ахлоққа таъсири ортиб бормоқда. Давлатимиз маҳалла қўмиталари раисларига маош тайинлагани, маҳалла дастури амалга оширилаётганлиги бунинг мисолидир. Эндиликда «Маҳалла-завод» дастурлари ҳам амалга оширилиб кишиларни, оилаларни иш билан таъминлашда ютуқларга эришиляпти. Ҳатто осмонўпар турар жой бинолари қошида ҳам маҳалла қўмиталари ишлаб турганлиги қувончлидир.

Миллатимизнинг кўплаб осори атиқалари бор. Хусусан, миллатимизни миллат қилиб турувчи, оламга кўз-кўз қилувчи Нақшбанд, Ат-Термизий, Ал-Бухорий, Амир Темур каби буюкларимиз бор. Лекин дил кўзимизни кўр қилиб, қулоғимизни кар қилиб, уларнинг қабрларини қаровсиз қолдириб, ҳатто уларни очишгача бориб етилганлигини асло эсдан чиқармаслигимиз зарур. Бутун жаҳон уларни ҳурмат қилар, уларнинг қабрларини зиёрат қилишга интилар эди-ю, бизга эса у ерга бориш ҳам қатъиян ман қилинар эди.

Бу ҳам қарамлик ва қуллик оқибати бўлиб, олам аҳли сиғинган аждодларимиз ҳокидан хабар олишдан ҳам маҳрум қилиб қўйилган эдик. Уларнинг ғўрлари бузилиб топталди, руҳлари чирқиради. Нафақат буюк бобокалонларимизни, балки ўз ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз, ака-укаларимизнинг жаназаларида иштирок этишнинг ҳам таъқиқлаб қўйилганлиги, ўзининг инсоний фарзандлик бурчини бажарганларни ишларидан, лавозимларидан бўшатишганлигини эсласак бу даҳшатли тушга ўхшайди. Лекин бу туш эмас, балки яқин 10-15 йил аввал бўлиб ўтган аянчли ҳақиқат эканлигини унутмайлик. Эндиликда Бухорий мақбаралари, Амир Темур мақбараларини тиклашда давлатимизнинг ўзи бош бўлиб турмоқда. Зероки, уларнинг руҳлари биздан шод бўлиб, юртимизга файзу барокат ёғилса, тинчлик бўлса деган ниятдамиз.

Советлар тузуми чоғида сотқинлик, мунофиқлик, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш учун энг зарур хусусият эди. Яъни, фарзанд ўз унсур отасини шўроларга айтиши ва жазолаши катта қаҳрамонлик ҳисобланар эди. Баъзилар буюк ўғлонларимиз Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир, Абдулла Қодирий ва бошқаларни қоралаш натижасида кўплаб юқори мансабларга эришдилар. Улар миллатпарвар кишиларни, миллий ифтихорга эга инсонларни қанчалик кўп сотсалар, собиқ тузумда шунчалик юқори лавозимга кўтарилар эди. Қизиғи шундаки, кейинроқ уларнинг ўзлари ҳам устароқ сотқинлар томонидан сотилиб, йўқ қилиб юборилди. Бу эса буюк Темур, Бобурлар авлодларини шунчалик худбин йўл тутишга мажбур этган манфур ва маккор ғоянинг инсон онгини заҳарлашдаги катта зарарини кўрсатди.

Биз учун муқаддас бўлган миллий қадриятларимизнинг жаҳоннинг нуфузли музейларида кўз-кўз қилиниши, олам аҳли унга улкан қизиқиш ва ҳурмат билан қараши дилимизда ғурур уйғотади. Чет элларда «Абадий шаҳар музейлари» деб ном олган Самарқанд, Бухоро, Хева шаҳарлари буюклиги олдида бутун инсоният лол қолмоқда. Бу бинолардаги ҳар бир гишт улуғ аждодларимиз қалб меҳри ва ақлу заковати билан қўйилганки, бу абадийлик сирини ҳануз аниқлай олмайдилар. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг тарихий-миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз салоҳиятларини англаш осон эмас. Чунки у минг йиллар қаърига кириб кетиб, асрлар синовидан шараф билан ўтиб келмоқда.

Энди эса Россия Давлат Думасининг қабул қилган қарори билан яна ўша қуллик занжирларини қайта тиклашга уринишлар бўляпти. Мустақиллигимиз қуёши ўрнига Кремлнинг совуқ, ҳароратсиз юлдузини тақдим этишга ҳаракат қилинмоқда. Гўёки у мустақиллик қуёшининг ўрнини босиб, давлатимизга зиё беради. Собиқ СССРни қайта тиклаш бу шовинистларнинг худбин ниятидан ўзга нарса эмас. Буюк оғаликни яна қўмсаётганларнинг найранги. Улар ўз ниятларини аввал ҳам яширимаётган эдилар. Жириновский Марказий Осиё республикаларини «Буюк Россиямизнинг шарқий колониялари бўлади» деб оғиз кўпиртиргани барчамизнинг ёдимизда. Фараз қилайлик, СССР тикланган тақдирда ҳам давлат шундай қутурганлар қўлида бўладими?!

Ўзбекистонни боқиманда деб атаб келганлар диёримиз саховати, ҳосили, ер ости қазилма бойликларисиз куни ўтмай қолганидан энди бирлашишни таклиф этмоқдалар.

Мақоладан мақсад жонжаҳд билан ўтган тузумни қоралаш эмас, балки, гўё нопок хотиннинг бор айбини елкасига қўйиб туриб, талоғини бериб юборишдек ҳақсиз иш қилишликдир. Биз бу шарманда тузумнинг талоғини аллақачон бериб юборганмиз. Энди у тўғрисида ўйлаш эркак киши учун, миллий ғурури бўлган ўзбек миллати учун тупурган тупугини қайтиб олишдек ҳаром гап.

Жаҳонгашта бобомиз Амир Темурдек мағрурлик, шижоат ва ботирлик, қатъийлик кўрсатадиган давримиз келди. Раҳбару оддий фуқаро, ёшу қари олий даражада онглилик, зийраклик билан ўтмишимизга ва ҳозирги кунларга, бўлаётган воқеаларга қараши лозим. Улуғ миллий қадриятга, ўтмишга эга бўлган халқимиз донолик билан йўл танлаб олгани аниқ. Миллий қадриятларимизни тикламай туриб, сиёсий-иқтисодий баркамолликка эришиб бўлмайди. Бу ғўё лочиннинг икки қаноти, ана шу қанотлар кучли бўлсагина, миллатимиз ҳам, давлатимиз ҳам юксакликларга парвоз этиши мумкин. Ҳозирги даврнинг шу талабини халқимиз шараф билан адо этажак.

Озод АББОСХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди

ТУЗОК

Абдусаид КЎЧИМОВ

I

Россия Давлат Думасининг собиқ иттифоқни қайта тиклаш тўғрисидаги қарори саратонда ёққан қордай баданларни жунжиктириб, дилларда ташвиш қўзғатди. Аслини олганда бу ҳужжат ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмас — СССР деган мустабид империя Беловеж ўрмонидаги Битимдан анча аввал бандаликни бажо айлаган, марҳумнинг жанозаси аллақачон ўқиб бўлинган эди. Шунга қарамай «саратонда ёққан қор» мустақил давлатларнинг шаҳару қишлоқлари, тоғу даштлари оша Ер шарининг олис кунжакларидаги осмонўпар биноларга тирбанд гавжум гўшаларга ҳам совуқ изғирин олиб кирди. Тўғрисини айтиш керак, тўсатдан ёққан «қор»ни кўриб қалтираб қолганлар ҳам, иситмаси кўтарилиб кетганлар ҳам, каловланиб партбилетини артиб-тозалашга тушиб қолганлар ҳам, ўлимтикка кўзи тушган қузғундай «ҳап санларними, мана энди кўрасанлар!» дея пишқириб нафас олганлар ҳам бўлди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади:

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ҳақиқатан ҳам кутилмаган тасодифмиди? Ҳеч кимнинг хабари, шубҳа-гумони йўқмиди ундан?

Асло! Шамол туриб, осмонда қора-ялоқ булутлар тўплана бошлаганига анча бўлган, улар бирдамас-бирда ҳунар кўрсатиб қолажаги аён ҳақиқат эди. Юз, икки юз йиллик қуллик азоб-уқубатларидан қутилиб, эндигина озод нафас ола бошлаган халқлар бу хавфни ҳаммадан аввал сезиб, ташвишга тушдилар.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов эса Россиядаги муштумзўрлар яна эскича «роҳат-фароғат»ни қўмсаб қолганини бир неча марта ташвишланиб таъкидлади. Халқларимизни алдовларга, иғво-бўҳтонларга учмасликка, Ватанга садоқатли бўлишга чорлади.

Юртбошимиз ўтган йили БМТнинг 50 йиллик тўйида иштирок этиб келганидан сўнг Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига берган жавобларида: «Айрим кимсалар Россияни собиқ СССР чегарасида тикламоққа уринишяпти. Соддароқ қилиб айтганда, бу парчаланиб кетган СССРни тиклаш дегани. Олди-кетини ўйламайдиган бу ховлиқмалар (улар жуда кўп!) эски коммунистлар, эски ўй-фикрда юрган одамлардир. Улар бир вақтлар партноменклатурага кириб, тўғрироғи, партия тепасига чиқиб олиб айшини суриб юришарди», — деган сўзлар билан СССРпарастларнинг башараларини яна бир карра очиб ташлади. Аммо, Россия корчалонлари нима учундир ўзларини кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка солиб, кекириб-кекириб юравердилар. Ўзимизнинг Шарқда «сукут — ризолик аломати» деган нақл бор. Россия аркони давлатидагилар мамлакатда шовинистлар кучайиши тарафдори эди, деган шубҳадан узоқмиз, албатта. Лекин лоқайдлик, манманлик, менсимаслик ва демократия ниқоби остидаги ҳар хил ўйинлар салтанатда қора шарпаларнинг униб-ўсишига муносиб шароит яратиб бергани ҳам рост. Бундай шарпалар гоҳ Жириновский, гоҳ коммунистларнинг пири комиллари қиёфасида кўрина бошлаганда ҳам бепарволик чегараси бузилмади. Жириновскийнинг «Мен пошшо бўлсам Осиёни қонга ботириб, этигимдаги қон юқини Ҳинд океанида ювиб ташлайман» қабилидаги вайсақиликлари ақли ноқис каснинг алаҳлаши тарзида талқин этилди. Бироқ, ақли ноқис бу банда, тевараги баланд девор билан ўралган «психушка»да эмас, Россиядек серсавлат мамлакатнинг оммавий ахборот воситалари, телевидениеси орқали ялпайиб-талтайиб бутун-бутун давлатларни, минг-минг йиллик тарихи бўлган халқларни бемалол ҳақоратлаётган эди. Биров мушугини «пишт» демас, «Ҳа, энди бир дуррак валақлади қўйди-да», дейишарди эринчоқлик билан. Мана шу «дуррак» ҳаш-паш дегунча атрофига бир талай маддоҳлар, тарафдорлар тўплади. Партия тузди. Номзодини Президентликка қўйди. Давлат Думасида ўз фракциясига эга бўлди.

Компартиянинг тирилиши ҳам худди шу йўсинда — сезилмайгина бошланди: аввал бошда беш-олти қари-чури чол-кампирлар «СССР пайтидаги чўчқа саласини егимиз келяпти», деб кўча қўйда бир-бирига висир-висир қилишди. Кейин у ер-бу ерда тўдалашиб: «Бизнинг саламизни топиб беринглар!», дея талаб қила бошлашди. Ундан сўнг митингбозликка ўтилди, байроқ кўтарган оломон Россия кўчаларида бемалол кезинаверди. Қудуққа тушган тошдай дами чиқмай кетган Рижков, Лигачев, Зюганов, Лукьянов деган партия «босс»лари бўлса ўрдак юриш билан яна минбарларга чиқиб келадиган бўлишди. Рус матбуоти, одатдагидек, уларга олқишлар ёғдиришни қотириб ташлади. Кўрибсизки, Давлат Думасига ўтказилган сайловолди коммунистларнинг картаси энг кўп очко билан «мирлаб» кетди. Улар ана шундан сўнг «СССРни тикламаган номард!» дея енг шимариб ишга тушиб кетишди.

II

Ўлган айиқнинг гўрини титкилаш, Мурманскдан Кушкагача, Тинч океанидан Болтиқ денгизичага чўзилган ҳудудларнинг беадад бойликларига эгалик, халқларига тўралик қилиш фақат Зюганову Жириновскийларнинг орзу истаги эди, дейиш калтабинликдир, албатта.

Негаки, Россия империяси босқинчилиги ва рус шовинизмининг икки ярим — уч асрлик тарихи бор. Шопмўйлов пошшо Пётр ҳазратлари томонидан бошлаб берилган бу сиёсатни императору императрицалардан кейин большевик доҳийлар, «Политбюро» шефлари давом эттирди. У турли замонларда турлича қиёфаларга эга бўлди. Аммо асл мақсади — ўзга юртларга хўжайин бўлиш истаги ҳеч қачон ўзгарган эмас.

Тўғри, Буюк Пётр жаноби олийларининг онгу-шуури «Комманифест» ёки большевикча мафкура билан булғанмагани рост. Лекин жаҳондаги бир қатор ўлкалар қатори Туркистон заминидаги жавоҳирлар жанобларини уйқусизлик дардига гирифтор этгани ҳам ёлғон эмас. Зоти олийлари юртимизга «илмий экспедиция» ниқоби остида айғоқчи — жосуслар жўнатдилар. Бироқ, умр калта экан, ниятига етолмай армону ҳасратда бу дунёдан ўтиб кетди. Императорнинг етим ўйлари ҳоқонбону Екатерина хонимга ҳам сира-сира тинчлик бермади.

Империяшунос тарихчи Ключевский таърифлаганидек, халқларни Туркия ва Эрон мусулмонлари зулмидан «асраш» учун Кавказга, усмонлилар империясидан «қутқариш» учун Болқонга «ёрдам» берган рус империяси инглиз ҳукмронлигидан «озод қилиш» учун Туркистонга юриш бошлаш режасини тузди...

Беловеж битимини бекор қилиш масаласи Россия Давлат Думасида муҳокама-мунозара бўлаётганда собиқ КПСС МК котиби, собиқ СССР Министрлар Советининг собиқ раиси, эндиликда «Народовластие» раҳбари Н. Рижков «Беловежда СССРни тарқатилгани ҳақидаги қарор қабул қилинганида Буюк Пётр I ва Екатерина II гўрларида тик турган бўлсалар ажабмас» дея ёзғирганида ана шу манбаларга таянган ва, айни чоғда, билиб-билмай тарихдаги икки босқинчи куч — чоризм ва большевизмнинг муштарак мақсадларини, асл башараларини очиб қўйган эди.

Мозийдан аёнки, Россия империяси ўтган асрда она Туркистонимизга ёвузларча бостириб кирди. Кауфман, Головачов, Скобелев, Черняев, Перовский деган рус генераллари ўлдирган бегуноҳ одамлар руҳи ҳалиҳануз чирқиллаб турибди. Уларнинг қонхўрликлари марксизм-ленинизм авлиёларини ҳам даҳшатга солди. «Генерал Кауфман 1873 йилнинг ёзида ёвмут татар қабиласига ҳужум қилиб, уларнинг ўтовларига ўт қўйди ва буйруқда айтилганидек... Уларнинг хотинлари ва болаларини қиймалаб ташлашга буюрди...» деб ёзади Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» китобида.

Ўрни келди алоҳида таъкидлаш керак: большевиклар қонхўрликда чор генералларидан анча ўзиб кетишди.

Аммо Россия, Белорусь, Украина, Болтиқбўйи тўқимачилик фабрикалари истеъмол қилган пахтанинг 70 фоизини Ўзбекистон етказиб бераётгани, олтиннинг учдан бир қисми шу заминдан қазиб олинаётгани ҳақида, газини марказга узатиб, ўзи ўчоғига тезак қалаб ўтиргани ва, энг аянчлиси шунча меҳнат, шунча бойликка қарамай ўзбекларнинг турмуш даражаси империя мустамлакалари ўртасида энг сўнгги ўринда туриши ҳақида лом-мим дейилмади.

70 йил текинини еб мазахўрак бўлиб қолган жаноблар мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳам маломат ёғдиришдан ўзларини тия олишмади. «Ўзбекистон мустақил яшай олмайди» дея аламзада ингранишди. Бироқ давлатимизнинг салкам беш йиллик эркин ҳаёти башоратбозларнинг энг сўнгги иддаоларини пучга чиқариб ташлади. Ўтган йиллар ичида Ўзбекистон суверен давлатлар орасида тинч, иқтисоди барқарор мамлакатга айланди. Жаҳондаги 150 дан ортиқ давлат мустақиллигимизни тан олди. Ер юзидаги энг йирик халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлдик. Доимо хом ашё манбаи бўлиб келган юртимизда пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирувчи ўнлаб қўшма корхоналар қурилди.

БМТнинг Савдо ва Тараққиёт ташкилоти томонидан ўтган йилнинг охирроғида Женевада ўтказилган халқаро анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳозир пахта ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 4-ўринга, пахта экспорти бўйича эса АҚШ дан кейин 2-ўринга чиқиб олди. Олтин қазиб чиқариш бўйича дунёда еттинчи ўринни эгаллади. Нефть,.газ ишлаб чиқариш бир неча баробар кўпайди. Энергетика ва дон мустақиллигига тўла-тўкис эришадиган кунлар узоқ эмас.

Ўзимизга қўшни бўлган айрим давлатлар Ватан тақдирини, Ватан сарҳадларини қўшқўллаб ёт одамларга топширган ва бу заифликдан йиғлаш ўрнига нодонларча мақтанаётган бир пайтда Ўзбекистон ўз ҳарбий доктринасини яратгани ҳам дунёга аён. Ўзбекистон «чегарамни қўриқлаб беринг, оғажон!» деб ҳеч кимга ялинмади. Аксинча, мустақил давлат ўлароқ, НАТОнинг «Тинчлик учун шериклик» деган режасига имзо чекиб, қатор мамлакатлар, жумладан АҚШ билан ҳам ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилишга оид меморандум имзолади. «Биз Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнини тезлаштиришда, шунингдек республика ҳарбий кучларини қайта қуриш масаласида бирликда ишламоқчимиз» деди АҚШ Мудофаа вазири У. Перри мазкур ҳужжат имзоланганидан кейин мухбирларга берган баёнотида. «Ўзбеклар армиянинг қурилиш батальонларидан бошқасига ярамайди» дея камситиб келганларга мана шу биргина далилнинг ўзиёқ муносиб сабоқ бўлади, албатта.

Ўрта Осиё тарихидаги биринчи енгил автомашина ҳам яқингинада Ўзбекистонимизда, Асакадаги «ЎзДЭУ» қўшма корхонасида чиқарилди. Дўстларимиз бу ютуғимиздан суюндилар. «Труд» газетаси эса Ўзбекистонда енгил автомашина чиқарилиши «Россия автомобиль қурувчилари учун бой берилган имконият» эканини афсусланиб ёзди. Ким нима деса-деяверсин, аммо, ҳадемай ўзимизнинг «Мерседес»ларимиз ҳам бўлади!

Ҳа, азиз Ватанимиз ҳалол меҳнати, пешона тери билан жаҳон бозорига кириб бораяпти, дунё иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашга интиляпти.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўзига хос йўлни танлаб олган эди. Президентимиз ишлаб чиққан бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилида иқтисодий, ижтимоий йўналишлар белгилаб берилди. Ўтган йилларда хунрезлик, низо-жанжаллар уёқда турсин бирон фуқаронинг бурни қонаган эмас. Мамлакатимизда юздан ортиқ миллатлар ва элатларнинг фарзандлари тинч, осойишта ҳаёт кечирмоқда.

Тожикистонда, Чечанистонда тўкилаётган қонлар, бошқа ерларда кунда-кунора бўлиб турган тўқнашувлар, муштлашувлар, отишмалар... Бундай ғажиаларни эшитганда шукроналар айтмаслик мумкинми, ахир!

IV

Табиатда оддий қонуният бор. Ҳар қандай бўшлиқ ўрнини нимадир тўлдиради. «Ельцин Президентлигидаги тўрт йил Россия иқтисодиёти учун иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг оғир кризислар даври бўлди, — деб ёзади «Вашингтон Таймс» газетаси мухбири М. Фифа. — Россия демографларининг ҳисобларига кўра 2 миллионга яқин киши иқтисодий бўҳронлар қурбони бўлди».

Иқтисодиёт фанлари доктори Наталья Ромашевскаянинг «Труд» газетаси мухбири билан ўтказган суҳбатида янада аянчли маълумотлар тилга олинди. Олиманинг айтишича, мамлакат аҳолисининг 30,2 миллиони қашшоқлар синфига айланди. Таълим - тарбия издан чиқди. Мактаб ёшидаги болаларнинг етти фоизи ўқишни бутунлай йиғиштириб, қорин тўйдириш илинжида кўчама-кўча дайдиб юрибди. Ўрта мактабни тамомлаб чиқаётган ўсмирларнинг 90 фоизи касалманд. Ҳомиладор аёлларнинг 25 фоизи анимия дардига чалинган. 150 минг бола бугун тўйиб овқат ейиш бахтидан бенасиб, армия ёшидагиларнинг учдан бир қисми хизматга яраймайди, — 60 фоизи «хранический» касал, ногирон болалар сони кейинги йилларда 6,5 баробар кўпайди. Мамлакат эса қулоғигача қарзга ботиб бораяпти. Дунё бўйича ташқи қарзлари кўп давлатларнинг биринчиси Бразилия бўлса олтинчиси Россия федерациясидир. Унинг четдан юз миллиард доллар қарзи бор! Бундай машаққатли ҳаёт тарзи ҳар қандай одамда норозилик уйғотиши табиий. Қашшоқлик, бошбошдоқлик, митингбозликлар пайдо қилган маънавиятдаги тубсиз бўшлиқлар Жириновский ва коммунистлар учун қулай имконият туғдирди. Улар СССР давридаги арзон колбасалари бўлган дўконлар расмини камбағалларга тарифлайвериб, аҳолини янада жунбушга келтиришди, ва, фашистик ғояларини қашшоқлар шуурига сингдира бошлашди. Бўшлиқ мамлакат тахтига, парламентига ишқибозлар сонини ҳам кўпайтириб юборди. Сайловолди ўйинлари, парламентдан жой олиш учун 43 та блок тузилгани... Президент сайлови яқинлашаётган ҳозирги кунларда бундай ўйинларнинг янада авж олиб бораётгани...

Хуллас, империяча фикрлаш асоратлари Давлат Думасининг «саратонда ёққан қор»дек совуқ қарор қабул қилишига асос бўлди.

Юқорида таъкидлаганимиздек бу қарорни Ўзбекистон учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

Аммо, қарорни эшитиб, айрим давлат бошлиқларининг талвасага тушиб қолишлари империяча тузоқ ҳали ўз хавфини йўқотмаганини кўрсатди.

V

Бундан бир минг 250 йил муқаддам тошларга ўйиб ёзилган Кул Тигин битикларида шундай сўзлар бор: «Эй турк халқи, тўкис ишонувчансан. Самимий, носамимийни ажрата олмайсан».

Бобо қавмларимиздан ўтган ана шундай соддалик, ишонувчанлик туфайли миллатдошларимиз нақадар оғир фожиаларга дучор бўлишгани, не-не ботирлар ёвлар тузоғига ем бўлгани тарихдан аён! Ғанимлар халқимизни кишанбанд этиш учун ҳамиша ҳийла-найранглар ишлатиб келишди. 1920-йилларда эса большевиклар риёкорлик билан қадим Туркистонни бешта давлатга ажратиб ташлади. «Бўлиб ташла ва эгалик қил!» сиёсатининг асоратлари ҳалигача айрим кимсаларни тарк этган эмас. Улар мустақил давлатларни тўғри йўлдан чалғитиш учун «замонавий тузоқ»ларни кашф этишмоқда. Бундан икки йил олдин пайдо бўлган «Евроосиё ҳамжамияти» ҳақидаги сафсата шулардан бири эди. Бу сафсатадан тайинли натижа чиқавермаганидан кейин унга «Интеграция 2000» деган исм берилди. Фақат шу йўл билангина собиқ Иттифоқ гуллаб яшнаши тўғрисида башорат қилинди. Ҳар икки ғоя ҳам Иттифоқнинг мурдасини қўмсаш истаги билан заҳарлангани туфайли тузоққа ҳеч нима илинмади.

Шу ўртада «интеграцияни ҳар томонлама чуқурлаштириш» ҳаракати ўйлаб топилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бор бўлгани ҳолда унга муқобил янги иттифоқ нима учун керак бўлиб қолганини англаб олгунча бўлмай Москвада иккита янги тузилма пайдо бўлди. 29 март куни Россия, Белорусь, Қозоғистон ва Қирғизистон ўзаро интеграция бўйича битим тузди. 2 апрелда эса Россия — Белорусь бирлашмаси тузилгани эълон қилинди.

Биз тузилган битимларнинг ҳаммаси уни имзолаган давлатларнинг халқларига бахт-саодат олиб келишини истаймиз. Бироқ, тилга олинган битимлар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар хил шубҳа-гумонлар уйғотмоқда. Тўрт давлат битимини айрим сиёсатчилар собиқ СССР харобалари ўрнида тикланаётган янги иттифоқ деб атаётган бўлса, айримлари у рус империясидан озод бўлган барча республикалар келажагига зарар келтириши мумкин деб хавфсирашмоқда. Умуман давлатлараро битимлар тузиш, халқаро иттифоқлар барпо этиш инсоният тарихида жуда қўҳна ҳодиса ҳисобланади. Қолаверса, қайси давлатнинг қандай иттифоққа аъзо бўлиши ҳам унинг ички иши. Аммо барча битимлар, тузилмалар ҳалол бўлиши, давлатлар мустақиллигига соя ташламаслиги, халқлар озодлигига таҳлика солувчи тузоққа айланмаслиги керак.

Германияда чиқадиган «Вельт» газетаси эса «Евроосиё иттифоқи ташкил этилишини эълон қилиш чоғида бу иттифоқнинг эшиги Болгария учун ҳам очиқ эканига зимдан ишора қилиш билан Кремль «хўжайини» биринчи марта СССРни тарихий чегаралари сари қўл чўзди. Айни пайтда эса Болгария Президенти Желю Жельев ўз мамлакати ҳеч қачон давлатчилик ва халқаро ҳуқуқий жиҳатдан на собиқ СССРга, на Россия империясига тегишли бўлмагани тўғрисида баёнот берди», — деб ёзди.

Россия билан Белорусь ўртасидаги Бирлашма муносабати билан 2 апрель ҳар икки давлатда ҳам байрам куни деб эълон қилинган бўлса-да, бу бирлашма ҳам ҳар икки давлатнинг ҳамма ерида «давомли қарсаклар» билан кутиб олингани йўқ. Айтайлик, «Независимая» газета ҳамкорлик туфайли Белоруснинг оғир ҳаётини тиклаш учун «Россиянинг яна донорлик хизматини ўташига тўғри келиши»дан ташвишга тушган бўлса, Белорусда бунга қарши норозилик митинглари бўлиб ўтди.

Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувда интеграция ва кооперация жараёнларини шаклланишига асос бўлаоладиган тамойиллар ҳақида яна бир карра батафсил тўхталди. Ҳеч бир давлат, ҳеч қайси халқ жаҳон жамоатчилигидан ажраб, ёлғиз ўзи камолотга эришган эмас. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ Ўзбекистон жаҳондаги барча давлатлар билан дўстона, теппа-тенг алоқалар ўрнатиш йўлини танлади. Найранг ва зўрлик билан бўлакларга бўлиб ташланган, тарихий илдизи бир давлатлар билан яқинлашишга, айниқса катта эътибор берилди. 1993 йилда Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари бирлиги тузилди. Муҳими, жаҳонда ўз нуфузига эга бўлган бу бирлик давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро форум эса дилимиздаги, бобокалонларимиздан мерос бўлган ўзаро иззат-икром, самимият, қон-қардошлик туйғуларига ўзгача шукуҳ, халқларимизга ўзгача руҳ бағишлади. Ана шу тоза руҳ қондош-қариндош халқларни бало-қазолардан асрайди, орзу умидларимизнинг ушалишига ёрдам беради.

Аждодларимиз руҳи, авлодлар нигоҳи олдида гуноҳга ботмаслик учун Туркистон халқлари бугун яктан бўлишлари, самимийни носамимийдан ажрата олмайдиган гумроҳларга ўҳшаб қолмасликлари, бир-бирларини алдамасликлари ва энг даҳшатлиси, сотмасликлари керак.

Ҳа, оламда ўз қавмлари эркига хиёнат қилишдек даҳшатли жиноят йўқдир. Бундай жиноят соддалик, алданиш, иложсизлик, сотқинлик — қайси қиёфада бўлишидан қатъи назар, у дунё-ю бу дунё кечирилмаган, кечирилмайди!

Россия коммунистлари фақатгина эски тузумни суйганлари учун эмас, балки янги мустақил давлатлардан ҳайиққани учун ҳам СССРни тиклаш йўлида тиришиб «тер» тўкишяпти. Улар мустақил давлатлар қўлга киритаётган ютуқларни ҳазм қилишолмаяпти.

Албатта, Россия коммунистлари, шовинистлари ўйлаганидек, бугун дўқ-пўписа ёки куч ишлатиш йўли билан эски ҳукмронликни тиклаб бўлмайди. Аммо айёрлик ва маккорлик билан яратилган мужмал шартномалар, ягона ҳарбий ҳамкорлик, ягона фуқаролик, ягона валюта бирлиги, умумий тил дейдиган хилма-хил тузоқларидан эҳтиёт бўлиш зарур...

Империя қуёши ботди. У ҳеч қачон қайтиб чиқмайди! Тарихий ҳақиқат, тарихий ҳукм ана шундай! Аммо империяпарастлар тирик экан мозий ғилдирагини чаппа айлантиришга чиранишлар, алдовлар, қаллобликлар, дўқ-пўписалар бўлаверади. Халқимиз ҳеч қандай алдовга учмайди, дўқ деваралардан чўчимайди, тузоқларга илинмайди.

Барча халқларни, ҳамма миллатларни найрангбоз-шайтонлар тузоғига тушиб қолишдан яратганнинг ўзи асрасин!

Қуйидаги сатрлар Қўқон шаҳар тарих ва ўлкашунослик музейининг илмий манбаларида сақланиб қолган: «Дашноқлар гуруҳи шўро дружинаси байроғи остида шаҳарни 9 кун талади. Қўқон касалхонасида даволанаётган бемор ва ярадорларни биноси билан бирга ёқиб юборди».

Бухорони босиб олишдаги шафқатсизликлар бундан ҳам ошиб тушди. 1920 йилда М. Фрунзе, В. Куйбишев қўмондонлигида 74 тўп, 12 бомбардимончи самолёт ва 10 минг аскар Бухорога ёпирилди. Шарқ маданияти ва жаҳон меъморчилигининг нодир намунаси ҳисобланган Бухоронинг кули кўкка соврилди.

Чоризм ва большевизм ҳукмдорлари ҳокимиятни бошқаришда ҳам бир хил сиёсат юргизишди. Агар 1876 йилдан эътиборан Туркистондаги барча маъмурий органларни рус ҳарбийлари идора этишган бўлса 1917 йилдан сўнг бошқарув рус большевойлари қўлига ўтди.

Большевойлар ҳам анчагача маҳаллий аҳолининг биронтасини идора ишларига яқинлаштирмади.

1917 йил 15-21 ноябрда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси Шўроларининг III қурултойида Туркистон халқ комиссарлари кенгаши тузилди. Унга 7 большевик ва максималист, 8 сўл эсер сайланди. Ҳукумат таркибига маҳаллий миллат халқларининг бирорта ҳам вакили киритилмади. Ҳукумат бошлиқларининг ҳаммаси Россиядан юборилган шахслар бўлиб, улар маҳаллий халқнинг на тили, на дини, на маданияти, на миллий урф-одатларини, тарихий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни билмас эдилар. Қурултойда қабул қилган қарорда «Маҳаллий аҳоли ўртасида пролетар синфий ташкилотлари бўлмаганлиги сабабли» уларнинг вакилларини ўлкадаги ҳокимият органларида ишлашларига йўл қўймаслик кераклиги алоҳида таъкидланди. Ана шу ҳукумат аъзоларидан бири бўлган жаноб Успенский ўлка Шўроларининг IV қурултойида большевикча сиёсатнинг туб моҳиятини очиб берди.

«Ўртоқ мусулмонлар!» — деди у. — Шуни билингизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз! Сиз кичиксиз ва тушунарлики, бизга бўйсунишингиз керак!»

III

«Катта оға»лар барча босқинчи зоти каби «босиб олган еримизда абадий ҳукмронлик қиламиз» деб хаёл қилган эдилар. Лекин дунё бино бўлганидан буён биронта зобитнинг бундай нияти ушалмагани, Доро, Кир, Искандари Зулқарнайн, Қутайба, Чингизхон, Напалеон Бонапарт каби оламни зир титратган зотлар бино қилган тожу тахтлар ҳам нари борса 200-300 йилдан ошмай ер билан битта бўлиб кетгани, рус империяси эса бор-йўғи 180 йил умр кўргани билан иши йўқ эди уларнинг. Коммунистлар қурган империя инсоният тарихидаги энг ёвуз империя бўлгани учун ҳам ёши 70 дан ўтар-ўтмас чилпарчин бўлиб кетди.

СССР деган оч бўри 80-йилларга келиб яна қонсирай бошлади. Аммо бу даврда шароит бироз нозиклашган «ошкоралик», «демократия» деган сўзлар пайдо бўлиб, халқлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишни ўрганаётган эди. Устига-устак мамлакатнинг жамики шаҳару қишлоқларида узоқ йиллардан бери авж олиб келаётган давлат мулкини талон-торож қилишлар, ўғриликлар, кўзбўямачиликлар, қўшиб ёзишлар «оч бўри»ни жар ёқасига олиб бориб қўйган эди. Шундай нозик замонда мамлакат бўйлаб қирғин ўтказиш хавфли — оқибати хунук тугаши мумкин эди. Кремль зўравонлари битта республиканинг бошини ёриш орқали бошқаларнинг кўзини ҳам мошдай очиб қўймоқчи бўлишди. Қатағон майдони этиб Ўзбекистон танланди. Тўғри, Ўзбекистондаги кўшиб ёзишлар Ростов ёки Москвадаги, Белоруссия ёки Украинадаги кўзбўямачиликлар олдида ҳеч гап эмасди, бу Политбюрога ҳам беш қўлдай аён эди. Аммо Политбюро ўз уруғларининг сир-асрорини фош этгиси келмади. Ўзбек халқининг андишали, чидамли, тош келса кемириб, сув келса симириб индамай кетавериши, айни чоғда, республика қўғирчоқ ҳукумати тепасига ношуд шахсларнинг чиқиб қолиши эса уларда шум ниятни амалга ошириш учун қўл келди. Қатағон шиори ҳам оппа-осон топилди — «Ўзбеклар иши», «Пахта иши».

Минг-минглаб бобо деҳқонларимиз туҳмат балосига учради, уйдирма айбловлар билан жиноий жавобгарликка тортилди. Ардоқли адибимиз Одил Ёқубов айтганидай 130 йил давомида феодал замондаги занжирлардан баттароқ ишлаб, яшаб келган ўзбек деҳқонининг машаққатли меҳнати охир-оқибат ана шу тарзда «сийланди». Бу ҳам камлик қилгандай «Ўзбекистон Россияга боқиманда» деб айюҳаннос солинди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

• ПОКИСТОН хавфсизлик кучлари мамлакат Бош вазири Беназир Бхутто ҳаётига суиқасд уютириш мақсадида режалаштирилган фитнани фош қилди. Бу ҳақда Покистон ташқи ишлар вазири Насрулло Бабар мамлакат парламентида маълум қилди.

Маълум бўлишича, жиноятчилар суиқасдни шу йил март ойининг охирида, Бош вазир Лаҳорда ўтказилган крикет бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари томошасига келган чоғда амалга оширмоқчи бўлган. Н. Бабар, шунингдек, ушбу фитначилар ичида Афғонистонда ҳарбий тайёргарлик кўраётган, ёлланган қўпорувчилар ҳам бўлганлигини айтди.

* * *

ХХР Иқтисод ва савдо ишлари бўйича давлат қўмитаси мутахассисларининг маълум қилишича, ўтган йили мамлакатда юздан зиёд давлат корхонаси инқирозга юз тутди. Натижада 1,4 миллион нафар киши ишсиз қолган. Давлат тасарруфидаги корхоналар кўрган умумий зарар 50 миллиард юанни ташкил қилган. Бу рақам 1994 йилдагига нисбатан 20 фоиз кўпдир.

* * *

ПЕРУ ҳукумати мамлакатнинг 9 та вилоятида жорий қилинган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддатини яна 3 ойга узайтирди. Бу қарор Перу армияси қўмондонлигининг илтимосига биноан қабул қилинди. Қўмондонлик ушбу фавқулодда ҳолат мамлакатдаги наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчи турли гуруҳларнинг ҳаракатига барҳам беришда қўл келади, дея ҳисобламоқда.

* * *

КОЛУМБИЯ ҳукумати қўшинлари ва полицияси билан мамлакатдаги қўзғолончи гуруҳлар ўртасида тез-тез тўқнашув бўлиб турибди. Кейинги пайтларда исёнчилар мамлакатдаги 9 вилоятда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширган. Натижада 22 киши ҳаётдан кўз юмган.

Қўзғолончилар мамлакат Президенти Эрнесто Самперанинг истеъфога чиқишини талаб қилмоқда.

* * *

АҚШ Президенти Билл Клинтон Японияга сафари олдидан Жанубий Кореяга ҳам ташриф буюради, деди Корея Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Чон Тё Ик матбуот анжуманида ҳамда Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам билан Шимолий-Шарқий Осиё ва Корея Ярим оролидаги вазиятни муҳокама этишади. Қўшма Штатлар Президентининг ташрифи жуда қисқа бўлишига қарамай, Жанубий Кореянинг АҚШ билан муносабатларида муҳим ўрин тутади, деб таъкидлади у.

* * *

МАКЕДОНИЯ НАТОга аъзо давлатлар сонининг ортиши тарафдори. Бу Европада барқарор ҳудудлар кенгайишига олиб келади, деди расмий ташриф билан Чехия Республикасида бўлган Македония мудофаа вазири Благой Ханжинский.

Вазир икки мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги масаласига тўхталар экан, Македония Чехия ҳарбий техникаси, хусусан самолётларини сотиб олишга тайёрлигини маълум қилди. Ўз навбатида Чехия ҳам Македония армияси зобитларини ўқитишда ёрдам беришини билдирди.



Тунги Миср.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

СЕУЛ. Корея Республикасида бўлиб ўтган парламент сайловида Янги Корея Партияси (ЯКП) ғалаба қозонди. Сайлов натижаларига кўра, янги сайланган парламентдан ЯКП 139 та ўрин эгаллаган, энг йирик мухолиф партия — янги сиёсат учун миллий конгресси эса 79 ўринга эга бўлди.

* * *

БОНН. Германиядаги йирик Досельдорф аэропортида рўй берган ёнғин оқибатида 21 нафар киши ҳалок бўлди, 100 га яқин киши эса жароҳатланди.

Текширувлар шуни кўрсатдики, аэропортда созлаш ишлари билан шуғулланаётган пайвандчиларнинг эътиборсизлиги фалокатга сабаб бўлган.

* * *

ОСЛО. Норвегия Европада биринчилар қатори иттифоқдош Югославия Республикаси билан дипломатия алоқаларини ўрнатди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўтган йили Югославияга нисбатан жорий этилган халқаро давлатлар иқтисодий жазо чораларини бекор қилгандан кейин, хорижий давлатлар эндиликда мазкур мамлакат билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга киришди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Мутолаа

ДАРАХТЛАР МАҚТАНМАЙДИ

— Ая! Шеър ўқиётганда одамнинг овозиям, юзиям чиройли бўлиб кетади-я? Кўпчилик ичида шеър айтсам, юрагим шундай қаттиқ урадики, шеър билан бирга юрагимнинг товушини ҳам одамлар эшитаётганга ўхшайди. Нима учун шундай бўларкин-а?..

Бир неча йил олдин берилган бу саволга қандай жавоб қайтарганимни ҳозир эслолмайман. Лекин уша савол тез-тез ёдимга тушади. Унга дурустроқ жавоб топгим келади.

Шеър юрақдаги қушларга ўхшайди назаримда. Учгиси келганда потирлаб шундай безовта бўладики, шоир «шўрлик» ўзини қуярга жой тополмай қолади. Ана шундай илоҳий дақиқаларда аҳли шуаро ўзини ҳамма нарсага қодирдек сезади. Руҳида, вужудида фавқулодда куч пайдо бўлади, қулоғига кимдир шивирлаб тургандек, ёзмаса — юраги ёрилиб кетиши мумкиндек туюлади.

Тан олиш керак: баъзан яқинларимизни яхши кунларида қутлаш ёки севган кишимизга кафтдек мактуб ёзиш учун икки оғиз илиқ сўзни бир-бирига қовуштиролмай қийналамиз. Шеър эса илҳом келганда шу қадар тез ва осон ёзиладики... Гуё муъжиза рўй беради. Балки илоҳий ҳодиса меваси бўлганлиги учун ҳам шеър ўқилаётганда тунд чеҳралар ёришиб, дағал овозлар майинлашиб қолар! Митти Юракларнинг шоирнинг улкан Қалбига жўр бўлгиси келиб дукиллаб кетишининг боиси ҳам эҳтимол шундандир.

Қулимда Ўткир Раҳматнинг яқиндагина «ЧУЛПОН» нашриётида чоп этилган «ШУКРОНА» си.

Мен кўраман сизда ўзимни
Қалбим каби бепоён осмон.
Қалдирғочлар бўғиқ сўзимни
Чақмоқдан сўнг айтиши аён.

Хаёлан «Арғувонда чавандоздай» учолган, «куртакларнинг кулгусидан буса олиб» қучолган шоир мушоҳада қилади:

Зуҳросини Тоҳирга
Бахш этсайди бу ҳаёт.
Билмас эдик борлигин
Қоработир деган зот.

Дарҳақиқат, нега шеър ёзасиз деб сўрасалар аниқ жавоб айтиш қийин. Шоир бу сирли ҳодисанинг сабабини балки чиндан ҳам билмас. Яна бир ҳақиқат борки, шеър ишқида ёнаётган юракдан жўнроқ сўзлар, паришонроқ сатрлар сочилиши мумкин, лекин зинҳор ва зинҳор нохуш туйғулар тўкилмайди.

Муаллиф ёзганларини ҳар доим ҳам шарҳлаб беролмайди. У ўз қалбининг таржимони холос.

Шундай ўй-хаёллар билан «Шукрона» ни ўқиб чиқдим. Муаллифнинг таржимаи ҳоли, ҳаётта, одамларга муносабати, қалб туғёнлари ва изтироблари тасаввуримда жонлангандек бўлди.

Қувончларнинг ранги ҳамиша ёрқин бўлади. Ҳасратларда эса тундлик ва мавҳумлик мавжуд. Ўткир Раҳмат шеърларидаги табиийлик ва аниқлик ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Дардлар қанчалик эски ва оғриқли бўлмасин, шоир уларни тиниқ тасвирларда ифодалашга интилади, ўзига хос ташбеҳлар топади:

Саф тортганча тупроқ
остида.
Ниш — найзасин тутган
чигитлар.
Тўсиқларни енгиш қасдида
Жанг қилади жангчи
йигитлар.

Яна қиш ҳақидаги бир шеърда шундай ёруғ сатрларга дуч келасиз:

Бош кўтариб қўяр изғирин,
Новдаларда қиров —
сочлари.
Қутлагандай бўлар
бир-бирин
Қарғалар — қиш
қалдирғочлари.

Одатда рост гапларгина ҳаяжон билан айтилади. Ҳаяжон эса нечоғли кучли бўлмасин, барибир узоқ давом этмайди. Шеър эса ҳаяжон ва ҳайратнинг мулки, ёшликнинг меваси-дир. Одамзот улғайгани сари уни ҳаяжонга солиши мумкин бўлган ҳодисалар ўз таъсирини йўқота боради. Лекин шоир йиллар ва йўллар силсиласида ҳаёт қонуниятларини қунгил кўзгусида кашф қила боради. «Дарахтлар мақтанмайди, нола қилмайди ҳеч ҳам...» деган қатъий хулосага келган шоир муқаддас ва абадий мавзуларни қадрлайди. Муҳаббат ҳақида муҳаббат билан ёзади.



Ҳар қандай шоирнинг ўз мухлиси, ўз ўқувчиси бор. Болалигимда бир муйсафид муаллим: «Шеър олтинга ўхшайди. У тупроққа кўмилади-ми, ботқоққа тушадими ёки денгиз тубига чўкадими — барибир бир кунмас-бир кун юзага чиқади» деганди. Демак, юзага чиққан ҳар бир шеърни қутлаш керак. Негаки, улар шоирнинг безовта қалбига таскин ва ҳарорат бағишлаган илоҳий Қушлардир.

Замира ЭГАБЕРДИЕВА.

УЧИНЧИ ТИЛЛАШУВ

ТЕЛЕОЙНА !

Газетчилик-да. Ҳамманинг фикр-мулоҳазасини тарозуга қўйиш керак. Икки тарафга тенг бўлиш осонмас. Ўтган сешанбада томошабинларнинг дил изҳорлари эълон қилингач, ўзимизнинг ҳамкасблардан бири айтиб қолди: «Негадир кўнглим тўлмаяпти. Яхши, пишиқ тайёрланган кўрсатувларга ёки нисбатан саёзларига тўлақонли шарҳлар айтилмаяпти.»

Бу айтишга осон. Миллионлаб томошабинларнинг кўнглига йўл топиш масъулияти янада каттароқ. Шунинг учун биз ҳар тарафлама муҳлисларнинг гап-сўзларини, эътирозларини эълон қилишда етти ўлчаб бир кесаяпмиз. Шул боис бу гал яна томошабинлар йўллаган хатлар ва уларнинг телефон қўнғироқлари орқали айтган мулоҳазаларини эълон қиляпмиз.

Шуҳрат ОХУНЖОНОВ, бўлғуси талаба: — Ниятим журналист бўлиш. Шунинг учун кўп газета-журналларни ва радио-телевидениени синчиклаб кузатиб бораман. «Телеойна» да айтилаётган мулоҳазаларга қўшимчаларим бор. Мен кўпинча иккинчи дастур орқали берилаётган кўрсатувларни қизиқиб кўраман. Мавзулари ранг-баранг. Вақтнинг қисқалиги ҳам яхши. Мусиқий дам олиш кўрсатувлари ҳам кўнгилдагидек.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ, журналист: — Ҳаммаям теледастурлар эълон қилинган газеталарни ололмайди. Шунинг учун телевидениеда дастурлар тартибини кўпроқ эълон қилиб бориш керак. Ажабланарлиси, ЎзТВ телеканаллари ўртасида, менинг назаримда, ўзаро ҳамкорлик йўқдай. Бўлмаса улар бир-бирларининг дастурларини томошабинга етказиб турса, фақат ютади-ку!

«Ташриф» кўрсатувининг дастлабки минутидаёқ республикамизнинг турли жойларидан кўнгироқлар бўлишига шахсан мен ишонмайман.

Мунира АЗИМОВА, — «Домла» видеофильмини кўрсатишдан аввал роса реклама қилишди. Қизиқиб қолдик. Лекин дастурда унга ярим соат вақт ажратилган. Асосий вақти 20-23 минутдан ошмаяпти. Бу бир томошабин сифатида мени қониқтирмайди. Ҳеч бўлмаса 40-45 минут вақт ажратилса, «Домла»нинг мухлислари янада ортар эди.

Алишер ЖЎРАЕВ: — Очиғи, ҳаммамиз ҳар кунги «Ахборот»ни кутиб турамиз. Мамлакатимиз ҳаётига оид турли қувончли хабарлар, хорижда бўлаётган янгиликларни тезроқ кўргимиз, билгимиз келади. Аввало унинг дастлабки, расмий қисмига ҳеч қандай эътирозим йўқ. Шарҳлар пухта, таҳлиллар асосли. Аммо иқтисодий ва ижтимоий мавзуларда тайёрланаётган хабарларни ажратиш қийин. Бирбирини такрорлайди. Айниқса, вилоят мухбирларининг видеохабарлари бир қолипга тушиб қолган. Матнига қараб ўқишаётгани сезилиб туради.

Исмоилжон ҚАЮМОВ, ҳуқуқшунос:

— «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» ва бошқа ахлоқий кўрсатувларда ҳам жиноят ёки мудҳиш воқеалар содир бўлгандан кейинги ҳолатлар тасвирланади. Лекин минг афсуски, ёшларимиз, ҳатто айрим катталар ҳам ўзларининг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини яхши билмайдилар. Англамаган ҳолда жиноий ишга қўл урадилар. Жазолашдан кўра жиноятнинг олдини олиш муҳимроқ. Биз ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз. Шундай экан, ҳуқуқий билим ва онгимизни ўстиришга қаратилган кўрсатувлар кўпроқ ташкил қилинса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

«Телеойна»ни Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи А. ПУЛАТОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

Г — 0183

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Инсон хотираси азиз

БИР ИЛИҚ ҲАРОРАТ ЧАҚНАРДИ

Худойберди ДОНИЁРОВ хотирасига

Навоийдин мерос туркий бўстонда
Ҳаловат ахтариб юрибсиз, устоз.
Ой, қуёшли қўҳна заминни —
Муттасил кузатиб турибсиз, устоз.

Шарқона бир ҳикмат ҳамиша ғолиб —
Нозил бўлар эди сўзларингизда.
Бир илиқ ҳарорат чақнарди чунон—
Меҳрибон, мунаввар кўзларингизда.

Соясидан кўрқиб сажда қилгувчи
Зотларга аёвсиз чақин эдингиз.
Эрк учун курашган ҳар битта жонга
Ҳаммаслак эдингиз, яқин эдингиз.

Хотира аталмиш буюк кошона
Кўнгил меҳробида этилур бунёд.
Фоний умримизнинг қалтис онлари
Сизнинг руҳингиздан сўраймиз имдод.

Нуриддин БОБОҚАНД.
Самарқанд.

Дил изҳори

ЮРАГИМГА МАЛҲАМ БЎЛИШДИ

Мен Тошкент шаҳар Яккасарой туман 2-нотариал идораси раҳбари Анорахон Исаева ва шаҳар ЗАГС раҳбари Зумрад Акрамхўжаева ҳузурига ишим тушиб борган эдим, ширин забон инсонлардан мамнун бўлганимдан дил сўзларимни баён этиб, уларни кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлгани, етук мутахассис сифатида, юксак инсоний фазилатлари мужассамлашгани туфайли фуқароларга сидқидилдан хизмат қилаётганлари, ҳурмат-иззатига сазовор бўлаётганининг гувоҳи бўлдим — бу бежиз эмас экан!

Аввало оилада муносиб тарбия олмагунча, қолаверса адлия соҳаси раҳбарлари муҳим ва масъулиятли вазифаларни одилона ҳал қилишда, кадрларни танлаб жой-жойига қўймагунча ҳеч ким бундай курсига ўтира олмайди.

Мен етимликда ўсиб 1942 йили биринчи марта кўнгиллиларнинг биринчи қаторида фронтга кетдим. Сталинград остонасидаги 200 кунлик ҳаёт-мамот жангида қатнашдим. Уша ўт-олов ичра ўлиб кетадиган одам эдим.

Урушда етказилган жароҳат ҳамон менга азоб бермоқда. Кетма-кет жудолик, бағрим қонлиги оёғимнинг оғриғини зўрлигидан, тунларни кўзимда ёш бедор ўтказаман, мен ва менга ўхшаганларга ҳали ҳам уруш тамом бўлгани йўқ.

Ана шундай бир аҳволда нотариал идора ходимлари юрагимга малҳам бўлишди, уларга ҳамиша омонлик, тилаб дуо қиламан.

Сайфутдин ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳри.

Спорт

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

• Кўқонда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди.

Маълумки, мамлакатимизнинг етти нафар кучли боксчиси олимпиадага йўлланмани олиб, катта сафарга ҳозирлик кўришяпти. Ўсмирлар баҳсида эса уларнинг издошлари камол топаётгани кўзга ташланди. Рингга чиққан 215 нафар боксчидан 15 нафари чемпион бўлди. Айниқса, Б. Сесекбоев, А. Қозоқбоев, А. Набиев, Н. Маҳсумов, А. Маҳкамов, Т. Маткаримов, Ҳ. Азимовларнинг чиқишлари ҳаммада яхши таассурот қолдирди.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЗАФАРИ

• ХИТОЙДА кураш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида бир йўла 9 полвон муваффақиятли куч синашиб, олимпиадага бориш ҳуқуқини қўлга киритди.

Эркин кураш беллашувларида полвонларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Бу ютуққа Осиё чемпиони номини олган Аҳмад Очилов, Борис Будаев, Олег Наниев, Руслан Хинчаговлар муносиб ҳисса қўшишди. Дамир Заҳриддинов билан Рамил Исломовлар тўртинчи бўлишди. Вакилларимиз юнон-рум курашида ҳам бўш келишмади. Жумладан, Григорий Пуляев иккинчи ўринни олган бўлса, Шамсиддин Худойбердиев билан Шермуҳаммад Қўзиевлар ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилишди.

«ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ»
Республика акционерлик бирлашмаси

Давлат солиқ қўмиталарида рўйхатга олиш муддати 1996 йилнинг 1 майига қадар узайтирилган, чет элда ишлаб чиқарилган

«РОЙАЛ»
назорат-касса машиналарини

хўжалик шаклидан қатъи назар, чакана савдо корхоналарига савдо учун

тақдим этади.

Битта НКМнинг нархи — 230 АҚШ доллари, сотилаётган кундаги курс қийматида, Ўзбекистон Республикаси сўмларида.

Ҳақ тўлаш шакли-нақд ёки пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: 700091, Тошкент ш., «Янги-обод» даҳаси, «Толариқ» кўчаси, 24.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119.
«Янгиобод» шоҳбекати.

"АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД"
қўшма корхонаси

тегирмон вальцларини ва **50 кг, 15 кг** ун қопларини **СОТАДИ.**
Тўлов шакли: пул ўтказиш, нақд ва векселлар бўйича.
Телефонлар: 67-77-41, 67-23-74.

ТАШКИЛОТ

мармар ва гранитни қайта ишлайдиган Украинада чиқарилган минизаводни **12х36 м** ҳажмдаги модул ва **12,5 т** оғирликдаги нарвонли кран (козловий кран) билан бирга

СОТАДИ.

Қўнғироқларингизни 50-94-07 рақамли телефон бўйича (кеч соат 10 00 гача) кутамиз.

"ПГС" КОРХОНАСИ

Юкори самарали, тежамли, ишлатилиши осон, махсус таълим ва жой талаб этмайдиган
МИТТИ НОВВОЙХОНАЛАРНИ СОТАДИ.
Унда ёпиладиган махсулотлар (печенье, кулчалар, батонлар, нон ва бошкалар) сифатли ва мазалидир!
Кафолати — 12 ой.
Манзил: Тошкент, Халқлар дўстлиги кўчаси, 29. (Собир Раҳимов метро бекати.)
Телефонлар: 79-14-29 (кундузи), 53-58-82 (кечкурун).

"ЎЗБЕКДАВЦИРКИ" БИРЛАШМАСИ
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Хадра майдони)

ФУРҚАТ ЮНУСОВ ўргатган йўлбарслар, **РУСТАМ МАТЧОНОВ** 5 метрли илон билан олишуви томошалари давом этади.

ТОМОШАЛАРДА УРГАТИЛГАН ТУЯЛАР, КУЧУКЛАР, АЙИҚЛАР, МАЙМУНЛАР, ИЛОНЛАР ВА БОШҚА ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА КЎРСАТИЛАДИГАН УЙИНЛАР ДАМ ОЛУВЧИЛАРГА ЗАВҚ-ШАВҚ БЕРАДИ.

Томоша икки бўлимли, катта ва ранг-баранг дастурдан иборат.

Томошалар **19 апрель соат 14.00, 18.00да, 20, 21 апрель соат 12.00, 15.00да** намойиш этилади

Жамоа бўлиб кириш учун буюртмалар қабул қилинади

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

ÖZBEK SERVIS MAŞ
"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси

Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотади:

— АТЗ — 10К ёнилғи қуйиш машинаси,
— СуперМАЗ — 54329-020 шатакка олиш машинаси
— МАЗ-9330 ярим тиркамаси билан,
— МАЗ-83781 тиркамаси,
Двигателлар:
—ЯМЗ-328-2М, Д-245, Д-243.
Шунингдек ЮМЗ негизидаги *"БОРЕКС"* экскаватори,
ЮМЗ тракторлари ҳам сотилади.

АВТО МАЗ

Ҳақ тўлаш шакли — сўмда пул ўтказиш ва вексель билан.

Манзил: Тошкент, Кафанов-Нукус мавзеси,3.
Телефонлар: 54-99-19,54-62-09 54-69-72, 54-88-11.
Факс: 54-99-11.

Нукус кўчаси
Ойбек шох кўчаси

"ЭКОГЕОТ" фирмаси
пул ўтказиш йўли билан

Финляндиянинг **ВЕ-95** ва Қозоғистоннинг **А-76 ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЕНЗИНИНИ** сотади, ёнилғини сақлаш ва қуйиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Шунингдек, юк ва енгил автомобиллари учун кенг турдаги **АВТОШИНАЛАР ВА АККУМУЛЯТОРЛАР** мавжуд.

А-76 АИ-95

Шошилинг, нархлар 10-20 фоиз арзон!
Хусусий АЁҚШларини ҳамкорликка таклиф этамиз.

Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси, 59.
"Средазцветмет" институти, 1-қават,
"Ҳамид Олимжон" метро бекати.
Телефонлар:
(3712) 68-56-41, 68-16-41 (соат 8.30дан 18.00гача)
36-00-45 (соат 8.30дан 18.00 гача)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани молия бўлими жамоаси бўлим бош назорат-тафтишчиси Серкабой Мирзахалилович Тошевга волидаси

Норбу ая ИСКАНДАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.